

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

УДК.: 330:331.562.535 (584.4)

Валиева Лола Баходир қизи

Ишсизлик ва жаҳон иқтисодиётида бандлик моделлари

5А 230103-Макроиқтисодиёт

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар: иф.н., доц. Таджибаева Д.А.

Тошкент 2013

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I–БОБ.	ИШСИЗЛИК ВА БАНДЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Бандликни таъминлашга бағишланган илмий қарашлар эволюцияси.....	8
1.2.	Ишсизлик ва бандлик тушунчалари.....	15
1.3.	Ишсизликнинг вужудга келиш сабаблари ва турлари.....	21
	I-боб бўйича хулосалар	
II–БОБ.	ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА БАНДЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ	
2.1.	Меҳнат бозорини тартибга солишнинг хориж тажрибаси ва ундан ижодий фойдаланиш имкониятлари.....	28
2.2.	Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорига таъсири ва ундан чиқиш йўллари.....	43
2.3.	Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бандликни ошириш сиёсати.....	53
	II-боб бўйича хулосалар	
III–БОБ.	ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИ ВА БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎЛЛАРИ	
3.1.	Ўзбекистон меҳнат бозори ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш.....	61
3.2.	Ўзбекистонда бандликни таъминлашнинг мақсадли дастурлари ва амалга ошириш йўналишлари.....	66
3.3.	Ўзбекистонда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш истиқболлари.....	71
	III -боб бўйича хулосалар	
	ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	81
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	87

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини тартибга солиш ва аҳоли бандлигини ошириш иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. “Дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида давлат қарзи ва миллий бюджетлар тақчиллиги муаммоси деярли ҳал этилмасдан қолмоқда, реал иқтисодийда ишлаб чиқариш пасайиб бормоқда, жаҳон бозорида харид талабининг камайиши давом этмоқда, ишсизлик даражаси юқориликча қолмоқда, ижтимоий кескинлик кучаймоқда”¹.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, 2012 йилда 197,3 миллион киши ишсиз бўлиб, дунёдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар учинчиси ё ишсиз, ёки қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ишсизлар сони 4,2 миллионга ошган ва бу кўрсаткич 2000 йилдан кейинги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади².

Дунёнинг етакчи тараққий этган мамлакатларида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурларга қарамасдан айрим мамлакатларда макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Ушбу тенденцияни ишсизлик даражасининг динамикаси ҳам тасдиқлаб турибди. Жумладан, 2012 йилда евроҳудудда ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 11,4%га етди ва бу мамлакатларда ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси юқориликча қолмоқда. Мисол учун, 2004-2011 йилларда ривожланган мамлакатларда ўртача 13,7%дан 16,2%га қадар ошган бўлса, ушбу кўрсаткич Испанияда 22,0%дан 46,4%гача, Грецияда 26,9%дан 44,4%гача, Ирландия 9,3%дан 30,3%гача ва Португалияда 15,3%дан 30,1%гача ўсган³.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. 19-б.

² Global employment trends 2013: Recovering from a second jobs dip / International Labour Office. Geneva: ILO, 2013.

³ <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-yth-table-2012-1-en>

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ишсизлик даражасининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, 2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионта янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 485 минг киши, касаначиликнинг барча шакллари кенгайтириш ҳисобидан эса 218 минг киши иш билан таъминланди⁴.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорини ривожлантириш ва унинг амал қилиш механизми самарадорлигини ошириш, жаҳонда ишсизликни пасайтириш, аҳоли бандлигини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини оширишнинг иқтисодий механизми самарадорлигини ўстиришнинг устувор йўналишларини комплекс тадқиқ этиш долзарб мавзу ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини ошириш йўналишларини тадқиқ этиш доимо иқтисодиёт фанининг марказий муаммоларидан ҳисобланган. Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини оширишнинг назарий жиҳатларини ўрганиш А.Смит, Д.Рикардо каби классик иқтисодий назария мактабининг вакиллари ҳамда Ж.М.Кейнслар томонидан амалга оширилган. Ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини оширишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос назарий жиҳатлари яқин хорижлик иқтисодчи олимлар Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л., Прокопов Ф.Т., Волгин Н.А., Одегов Ю.Г., Плакся В.И., Четвернина Т., Гимпельсон В., Капелюшников Р., Горисов С.лар томонидан тадқиқ этилган⁵.

⁴ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013. 19-б.

⁵ Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л. Современные теории занятости: Учеб. пособие для вузов. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. –190 с.; Прокопов Ф.Т. Безработица и эффективность государственной политики на рынке труда в переходной экономике России. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 1999. -311 с.;

Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида аҳоли бандлигини ошириш, самарали бандлик сиёсатини олиб боришнинг кўпроқ амалий жиҳатлари, хусусан бандлик сиёсатини амалга оширишнинг хориж тажрибаси, аҳоли бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли, ишчи кучи экспорти, аҳоли бандлигини оширишда мақсадли дастурларнинг ўрни каби масалалар қатор ватанимиз иқтисодчи олимлари Вахабов А.В., Абдурахманов К.Х., Абдуғаниев А.А., Толаметова З., Расулова Д.В., Тоғаев Б.Э., Таджибаева Д.А., Худойбердиев З.Р.лар томонидан ўрганилган⁶.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг етарли даражада тадқиқ этилмаганлиги, уларни ҳал этишнинг назарий ва амалий аҳамиятга эгаллиги танланган тадқиқот мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифаларини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини оширишга қаратилган илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Диссертация олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб қуйидаги **вазифалар** белгиланди ва ҳал этилди:

- бандликни таъминлашга бағишланган илмий илмий концепцияларни тадқиқ этиш;

Экономика труда: (социально-трудовые отношения)/ Под ред. Н.А. Волгина, Ю.Г.Одегова. –М.: Издательство “ЭКЗАМЕН”, 2003. –736 с.; Плакся В.И. Безработица: теория и современная российская практика (социально-экономический аспект). –М.: РАГС, 2004. –384 с.; Нестандартная занятость в российской экономике. /Под ред. В.Е.Гимпельсона и Р.И.Капелюшников. –М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2006. -400 с.

⁶ Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: «Меҳнат», 1998. 96 б.; Абдурахманов Қ.Ж.; Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик. –Токшент: Меҳнат, 2004. -670 б.Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2011. 708 б.; Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. –Т.: Молия, 2010. 276 б.; Тоғаев Б.Э. Ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари: иқт. фан. ном. ... дисс. автореферати. –Т., 2004. -22 б.; Худойбердиев З.Р. Занятость трудоспособного населения сельской местности Узбекистана и влияние на нее малого и частного предпринимательства: Автореф.... дисс. канд. экон. наук. -Т., 1997. -23 с.

- ишсизлик ва бандлик категорияларининг ижтимоий-иқтисодий моҳиятини ёритиб бериш;
- меҳнат бозорини тартибга солишнинг хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорига таъсири ўрганиш ва ундан чиқиш йўллари таҳлил қилиш;
- ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бандликни ошириш сиёсатини тадқиқ этиш;
- Ўзбекистон меҳнат бозори ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш;
- Ўзбекистонда бандликни таъминлашнинг мақсадли дастурларини амалга ошириш йўналишлари аниқлаш;
- Ўзбекистонда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш истиқболлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот предмети ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини оширишда вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқот объекти жаҳонда, хусусан, Ўзбекистонда ишсизликни камайтириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг иқтисодий механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқот услублари. Таҳлил жараёнида тадқиқ этишнинг математик, статистик, таҳлил ва синтез, гурухлаш ва қиёсий усулларидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ҳулосалари ва амалий тавсияларидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишсизликни камайтириш ва меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини оширишга қаратилган мақсадли давлат дастурларини ишлаб чиқиш, махсус, чуқур илмий-тадқиқотларни олиб боришда қўллаш,

диссертациянинг асосий ҳолатлари, ғоялари ва материалларидан олий ўқув юртларида иқтисодий назария, макроиқтисодиёт, меҳнат иқтисодиёти каби фанларни ва махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан олиниши кутилаётган илмий янгилик ва натижалар:

- ишсизлик ва бандлик категорияларининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти назарий жиҳатдан асослаб берилди;
- хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш асосида меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсатининг иқтисодий механизми тадқиқ этилди;
- жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг жаҳон меҳнат бозорига таъсири баҳоланди ва ундан чиқиш йўллари таҳлил этилди;
- Ўзбекистон меҳнат бозори ҳолати ва ривожланиш тенденциялари баҳоланди;
- Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини ошириш сиёсатининг иқтисодий механизми тадқиқ этилди;
- Ўзбекистонда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш истиқболлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

Диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I–БОБ. ИШСИЗЛИК ВА БАНДЛИКНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Бандликни таъминлашга бағишланган илмий қарашлар эволюцияси

Бандлик соҳасини ислоҳ этишда жаҳонда тўпланган илмий ва амалий тажрибага асосланиш лозим. Бандлик тўғрисидаги классик иқтисодий назария илк бор А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Б.Сэй ишларида асосланган, А.Маршалл, А.Пигулар томонидан ривожлантирилган, Ж.Кейнс ва унинг издошлари, неокейнсчилар томонидан қайта кўриб чиқилган. Бандлик назариялари ўз ривожланишида муайян босқичларни босиб ўтди.

Бандликни таъминлашга қаратилган илмий қарашларни классиклар, кейнсчилар, монетарчилар ва институционалчилар қарашларига бўлиш мумкин.

Классик назария мактаби вақиллари (А.Смит, Д.Рикардо, Ж.Милль, А.Маршалл ва бошқалар) иш билан тўлиқ бандлик – бозор иқтисодиётининг нормаси, давлатнинг бу жараёнга аралашмаслиги энг яхши сиёсат, деб ҳисоблаганлар. Жумладан, Д.Рикардо иш ҳақини тартибга солувчи қонунларни тадқиқ этар экан, иш ҳақи даражаси иш кучи тақлифига боғлиқлиги тўғрисидаги қонидани асослаган⁷, Иқтисодчи олимнинг ҳисоблашича, меҳнат бозоридаги рақобат даражаси иш кучининг тақлифи билан иш берувчилар томонидан бунга талабга боғлиқлиқдир.

Классик назария асосчиларидан яна бири А.Маршалл бу ғояни ривожлантирар экан "товар бозорида битимга келишилганда устуворлик икки томон уртасида жуда тенг тақсимланиши мумкин бўлгани ҳолда иш кучи бозорида устуворлик кўпинча сотувчилар томонида эмас, балки харид қилувчилар томонида бўлади",⁸ деган муҳим қонидани илгари сурган. Бу

⁷ Рикардо Д. Сочинения – М., 1961. – С. 25–30.

⁸ Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: «Прогресс». – Т.3.1984. – С. 56.

мактаб вакиллариининг назариялари умумлаштирилган ҳолда қуйидагилардан иборат:

- иш кучи таклифининг ўзи иш кучига талабни юзага келтириши сабабли умумий ортиқча ишлаб чиқариш содир бўлмайди;

- иш билан тўла бандлик шароитида маҳсулот харид қилиш учун маблағ етарли бўлади;

- умумий сарф–ҳаражатлар учун маблағ етишмай қолган тақдирда мувофиқлаштиришнинг нарх–навоси ва иш ҳақи каби воситалари тез ишга тушиб, умумий сарф–ҳаражатларнинг камайиши ишлаб чиқариш ҳажми, иш билан бандлик даражаси ва реал даромадлар камайишига йўл қўймайди;

- меҳнат бозоридаги рақобат мажбурий ишсизликни истисно этади. Меҳнат қилишни хоҳлаган ҳар бир одам меҳнат бозори томонидан белгиланадиган иш ҳақи оладиган ишни осон топа олади.

Классик назарияда фақат ишсизликнинг икки шакли: фрикцияли, яъни ходимнинг бир корхонадан иккинчисига ўтиш пайтида иш жойи йўқотишини ҳамда ихтиёрий ишсизлик, яъни ходим онгли равишда ишлашдан бош тортиши ҳоллари бўлиши мумкин деб ҳисобланарди. Бошқача қилиб айтганда, "ишсизлик"нинг бу иш шакли ҳам амалда иш билан тўла бандликни англатарди.

Классик мактаб вакиллариининг иқтисодиёт фани ва амалиётида фритредчилик номини олган мазкур йўналиш тарафдорларининг босими остида XIX асрда божхона тизими ислоҳ қилиниши бошланди: божларни бекор қилиш ва пасайтириш, сирпанувчан шкалаларни жорий қилишга киришилди. Бироқ шу аср ўрталарига бориб фритредчилик фақат Буюк Британияда ғалаба қозонди. Бу империя "жаҳон устахонаси"га айланиб, иқтисодиётга давлат аралашувидан воз кечиб, "эркин савдо"га ўтди.

2. *Кейнсчилар назарияси* (Ж.М.Кейнс, Ж.Робинсон, Р.Харрод, Е.Домар ва бошқалар). Ж.М. Кейнс меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг энг асосий вазифаларидан бири иш билан тўла бандликка эришиш,

деб ҳисоблаган⁹. Бу мактабнинг меҳнат бозорига доир назарияси куйидагиларни назарда тутди:

- иқтисодиётда иш билан тўла бандликни кафолатловчи ҳеч қандай механизм мавжуд эмас;
- иш билан тўла бандлик қонуният эмас, балки тасодифдир;
- меҳнат бозорига фоиз ставкаси ўзгариши ҳамда нарх–наво ва иш ҳақи нисбати эгилувчанлиги ёрдамида таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд эмас;
- иш кучи баҳоси қатъий белгилаб қўйилган ва амалда, айниқса, камайиш томонига ўзгармайди, иш кучи баҳоси меҳнат бозорини мувофиқлаштириш воситаси бўла олмайди;
- меҳнат бозорини тартибга солиш роли давлатга тегишлидир, у жамланма талабни қўпайтириб ёки камайитириб меҳнат бозоридаги мувозанатсизликни бартараф эта олади;
- иш кучига талаб меҳнатга бозор баҳоси ўзгариши орқали эмас, балки жамланма талаб ёки ишлаб чиқариш ҳажми орқали мувофиқлаштирилади;
- ишсизлик мажбурийдир, аммо бунда ишсизликнинг бир қисми ихтиёрий хусусиятга эгаллиги инкор этилмайди.

Классик назария иқтисодиёт фанида XVIII аср охирларидан XX асрнинг 30–йилларига қадар устуворлик қилди. Унинг ўрнини 1930–йиллардан 1970–йилларгача эгаллаган кейнсча назарияда ишсизлик фақат "фрикцияли" ёки "ихтиёрий"гина эмас, балки "мажбурий" ҳам бўлиши мумкинлигига асосланди. 1930–йилларда содир бўлган иқтисодий инқироз Ж.Кейнсни давлат қатъий илмий асосда зарур иқтисодий кўрсаткичларни режалаштириши шарт деган хулосага олиб келди.

Кейнсчиларнинг иқтисодиёт назариясида давлат иқтисодий сиёсатининг инвестициявий йўналишига алоҳида эътибор берилганлигини таъкидлаш лозим. Бу мактаб вакиллари давлатнинг кредит–пул сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланган инвестиция сиёсати амалда иш билан бандлик сиёсати

⁹ Кейнс Дж. Общая теории занятости, процента и денег. –М.: 1978. С. 56.

эканлигини исботлаган. Давлат иш билан бандлик даражаси юқори бўлишини кўйидаги воситалар орқали таъминлайди:

- фоииз ставкасини пасайтириш орқали ишлаб чиқаришга кредитлар ажратилишини кўпайтириш ва капитал активлар ликвидлигини ошириш;
- инвестицияларни "ижтимоийлаштириш", яъни хусусий корхоналарни давлат бюджети ҳисобидан манзилли молиялаш, шунингдек, давлат томонидан товарлар ва хизматларни харид қилиш;
- истеъмол талабининг тўловга қодирлигини ошириш чораларини кўриш, бунда тўлов қобилиятининг ўсиши киритилаётган инвестициялар ўсишидан юқори бўлиши керак.

Юқорида қайд қилинган чоралар, айниқса, истеъмол талабининг тўловга қодирлигини ошириш амалда иш билан бандлик ҳисобланади. Чунки улар корхоналар даражасидаги ижтимоий–меҳнат соҳасини қўллаб–қувватлашга йўнаптирилган. Бу билан давлат ўз зиммасига ишлаб чиқариш барбод бўлиши ёки ҳатто турғун ҳолатга тушиб қолишига йўл қўймаслик мажбуриятини, яъни корхоналарга, шу жумладан, хусусий сектор корхоналарига нисбатан олиб бораётган сиёсати орқали иктисодий ўсишни таъминлайди. Бу эса янги иш жойлари кўпайиши, иш ҳақи даражаси муносиб бўлиши, бошқача айтганда, истеъмол талабининг тўловга қодирлигининг давлат кафолатларидир.

3. Монетарчилар назарияси (М.Фридман, Р.Лукас, Ж.Мут ва бошқалар). Монетарчилар нуктаи назаридан иш билан бандлик фақат кутилмаган инфляция билан боғлиқ, чунки унинг даражаси қанчалик юқори бўлса, такрор ишлаб чиқариш иштирокчилари нарх–навонинг бўлажак кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга оладилар ва буни меҳнат шартномалари, контрактларда турли махсус қайдлар орқали бартараф қилишга интилади.

Бу назарияда М.Фридманнинг ишсизликнинг табиий даражаси мавжудлиги тўғрисидаги хулосаси муҳим методологик аҳамиятга эгадир. Бу

даража меҳнат бозори шароитлари билан қатъий чегаралаб қўйилган ва давлат сиёсати билан ўзгартирилиши мумкин эмас. Агар давлат иш билан бандликни унинг табиий даражасини талабни кўпайтиришнинг анъанавий–бюджет ва кредит усуллари билан оширмоқчи бўлса, бу чоралар қисқа муддат самара келтириб, фақат нарх–наво кўтарилишига олиб келади¹⁰.

4. Институционалчилар назарияси (Т.Веблен, Ж.Гэлбрейт, Р.Городон, Д.Коммонс ва бошқалар). Институционалчилар меҳнат бозорини иқтисодиётнинг энг муҳим сектори деб ҳисоблаб, у иқтисодий тизимда марказий ўринни эгаллашини кўрсатадилар. Жумладан, Т.Веблен бозорнинг тарихий ривожланишини таҳлил этар экан, индустриал жамият тараққий этиши билан рақобат кураши маркази товарлар ва хизматлар баҳоси учун кураш соҳасидан меҳнат баҳоси ва шароити учун курашиш соҳасига кўчишини аниқлаган¹¹.

Институционалчилар фикрига кура, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг номуносаблигини ижтимоий назорат тизимини ўрнатиш орқали ҳал этиш мумкин. Давлат эса меҳнат бозоридаги режали сиёсатини меҳнат бозоридаги институтлар орқали амалга ошириши зарур. Ж.Гэлбрейт ҳисоблашича, бевосита меҳнат бозорида энг муҳим ижтимоий муаммолар ҳал этилади, шунинг учун давлат мазкур жараёнда иштирок этиши шарт, зеро кўплаб одамлар ишдан ва тирикчилик кечириш учун зарур неъматлардан маҳрумлар. Давлат иш билан бандлик даражаси юқори бўлишидан манфаатдор, чунки бу ҳолат бюджетнинг даромад қисмини кўпайтиради ва мамлакат бойлиги кўпайишини таъминлайди¹².

Институционал мактаб вакиллари шахс эркин ҳамда касб малакасини ошириш имкониятига эга бўладиган ижтимоий тартиб ўрнатиш учун ижтимоий–иқтисодий сиёсат қуйидаги вазифалар ҳал этилишини таъминлаши зарур:

¹⁰ Friedman M. Money and Economic Development/ M. Friedman// 1973. №4. – P.70.

¹¹ Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: «Прогресс», 1984. –С.56.

¹² Гэлбрайт Д.. Экономическая теория и цели общества. –М.: «Наука», 1979. –С.406 .

- қобилиятига мувофиқ танлаган касбга ўқиш учун тенг имконият яратиш;
- меҳнат жараёнига қўшилиш, малака ошириш, хизмат вазифасида кўтарилиш учун тенг имкониятлар яратиш;
- меҳнатни рағбатлантириш ходим ва унинг оиласи муносиб турмуш кечиришини таъминлайдиган даражада бўлиши;
- ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги меҳнат муносабатларини тартибга солиш.

Бозор иқтисодиётига ўтишда иш кучининг товар шакли, ишсизлик эса бозор иқтисодиётининг табиий кўриниши эканлигини эътироф этиш энг асосий масаладир. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари каби маъмурий-буйруқбозлик, марказдан режалаштириш тизимидан бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган давлатлар учун бунинг аҳамияти айниқса, каттадир.

МДҲ давлатларининг айрим иқтисодчи олимлари бозор иқтисодиёти шароитларида меҳнатни тартибга солишни иш билан бандлик сиёсати, "меҳнат"ни эса "иш билан бандлик"ка тенглаштирадilar. Жумладан, Э. Саруханов иш билан бандликни меҳнат фаолиятига киришиш деб ҳисоблайди ҳамда меҳнат бозорини иш билан бандлик деб аташ, меҳнат бозорини тартибга солишни эса иш билан бандлик ва ишсизлик муаммосини тартибга солиш, деб аташ тўғри бўлади деган хулоса чиқаради. Унинг ҳисоблашича, иш ўрнини эгаллаш бўйича муносабатлар иш билан бандлик муносабатларидир. Инсон ишга киришиши билан бу муносабатларнинг амал қилиши тўхтайди, шу вақтдан бошлаб навбатдаги – меҳнат фаолияти босқичи бошланади ва бу бандлик ҳамда меҳнат билан боғлиқ эмас¹³.

Бу нуқтаи назарга зид қарашларда меҳнат бозори, иш билан бандлик ва уларни тартибга солиш жараёнлари фарқланади. Бу қарашлар тарафдорлари

¹³ Саруханов Э. Рынок труда и рынок занятости: противоречия, определения и трактовки //– М.: Ж.Человек и труд. 1995. –№2.–С.49.

иш кучини такрор ҳосил қилиш ва меҳнат бозори иш билан бандликнинг таркибий қисмлари, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Г.Г.Руденко, М.И.Кулапов, С.А.Карташов меҳнат бозори одамлар ишлаб чиқариш қобилиятларини такрор ҳосил қилиш бўйича бозор муносабатларининг тизими эканлигини эътироф этади. Меҳнат бозори иш берувчи учун иш кучини жалб этган ҳолда моддий неъматлар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Ёлланма ходим эса ўз иш кучини сотиши ҳисобига меҳнатига ҳақ олади ва ўзининг меҳнат қобилиятини такрор ҳосил этади¹⁴.

С.В.Андреев иш билан бандликни "ишлаб чиқариш жараёнига қўшилиш шарти", деб ҳисоблайди. У бу ёндошувини иш билан бандликка:

- ишлаб чиқариш (меҳнат – ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ходимни ишлаб чиқариш воситаси билан боғлаш воситаси);
- истеъмол (ходим меҳнати моддий жиҳатдан рағбатлантирилади);
- меҳнат тақсимооти (ходимнинг меҳнат фаолияти бирор соҳасига бириктириб қўйилиши) нуқтаи назарлари билан асослайди¹⁵.

Аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси таркибига меҳнат бозоридан ташқари аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаши, уларнинг уй хўжаликлари таркибидаги фаолиятлари, кадрларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш мақсадли дастурлари ҳам киради. Яъни, иш билан бандлик соҳаси меҳнат бозори тушунчасидан кенгрокдир. Меҳнат бозорини тартибга солиш иш билан бандликнинг бир қисми ҳисобланади.

¹⁴ Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Лунева Н.К. Рынок труда (практическая макроэкономика труда). Учебник. – М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2007. – С.430.

¹⁵ Андреев С.В. Кадровый потенциал и проблемы занятости в условиях перехода России к рыночным отношениям. –М.: Институт социологии РАН, 1997. С.76.

1.2. Ишсизлик ва бандлик тушунчалари

Жаҳондаги кўпчилик одамлар учун меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ўзлари ва оиласи аъзолари тирикчилигининг асосий манбаидир. Улар учун ўз ишини йўқотиш ўзларини ривожлантириш масаласини хавф остига қўйиш билан баробар. Жамият нуқтаи назаридан иш билан самарали бандлик меҳнатга лаёқатли аҳолини зарур даромад билан таъминлайди, инсон тараққиётининг иқтисодий асосини яратади. Шу билан бирга давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ночор қисмини ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва муҳофаза қилиш орқали жамият барча аъзолари учун тенг имкониятлар яратиш учун шарт-шароитлар шакллантиради.

Иқтисодий назарияда иш билан бандлик "иқтисодий фаол аҳолини иқтисодиётга жалб этилиши даражаси" сифатида талқин этилади.

"Аҳолининг бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида "бандлик – одамларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган, уларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир"¹⁶ деб кўрсатилган.

Ўзбекистон амалдаги қонунчилигига мувофиқ қуйидагилар иш билан бандлар ҳисобланади:

а) ёлланиб ишлаётган, шу жумладан, ишини тўлиқ бўлмаган иш вақти мобайнида ёки уйда иш ҳақи олиб бажараётган, шунингдек, ҳақ тўланадиган бошқа ишга, шу жумладан, вақтинчалик ишга эга бўлган фуқаролар;

б) касаллик, таътил, қайта тайёргарлик, малака ошириш, ишлаб чиқаришнинг тўхтаб туриши туфайли, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик ишда бўлмаган ходим учун иш жойи сақланиб қоладиган бошқа ҳолларда иш жойида вақтинчалик бўлмаган фуқаролар;

¹⁶ "Аҳолининг бандлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2– модда // [http:// www.lex.uz](http://www.lex.uz)

в) ўзини мустақил равишда иш билан таъминловчи фуқаролар, тадбиркорлар, шу жумладан, юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар, кооперативлар аъзолари, фермерлар, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида меҳнат билан банд бўлганлар, бевосита қорамол ўстирувчилар, чорвачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва сотувчилар, кўрсатиб ўтилган фуқаролар тоифаларининг ишлаб чиқаришда қатнашадиган оила аъзолари;

г) Қуролли Кучларда, Миллий хавфсизлик ҳамда ички ишлар органлари ва қўшинларида хизматни, шунингдек, муқобил хизматни ўтаётганлар;

д) қонун ҳужжатларига мувофиқ фаолият олиб бораётган жамоат бирлашмалари ва диний муассасаларида ишлаётган фуқаролар.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти нормаларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳисобга олиш ва таснифлаш амалиётига мувофиқ иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар жумласига ижтимоий суғурта ва солиқ органларида ҳисобда турмаган қуйидаги шахслар киради:

- юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтмаган деҳқон хўжаликлари аъзолари;
- уйда пулли хизматлар кўрсатиш билан банд бўлган шахслар (энагалар, уй хизматчилари, уй ошпазлари, автомобил ҳайдовчилари, қоровуллар ва бошқалар);
- жисмоний шахслардан ҳақ олиб ишловчи шахслар;
- оила бошлиқларига уларнинг тадбиркорлик фаолиятида ёрдам берувчи оила аъзолари;
- тегишли рўйхатдан ўтмай ишловчи тадбиркорлар.

Иқтисодиёт фанида иш билан бандликнинг қуйидаги турлари фарқланади¹⁷:

¹⁷ Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013. 150–бет.

1. *Иш билан тўлиқ бандлик* – меҳнатга қобилиятли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга энг куп жалб этиш. Амалда бу ялпи бандлик бўлиб, бунда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 90,0–92,0 % тўлиқ бандликда меҳнат қилишга муҳтожлар ва меҳнат қилишни хоҳловчилар иш билан таъминланади, бу иш кучига талаб ва таклифининг мутаносиблигини англатади.

2. *Иш билан тўлиқ бўлмаган бандлик* – бу иқтисодий фаол аҳолининг бир қисмигина ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланганлигини кўрсатади. Иш билан мавсумий бандлик – бу меҳнатга қобилиятли аҳолини табиий–иқлим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда вақти–вақти (одатда муайян мавсумларда) ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишдир.

3. *Иш билан яширин бандлик* – бу ҳолда пул тўламайдиган узок муддатли таътилда бўлганлар норасмий равишда (иш билан банд сифатида расман рўйхатга олинмасдан) турли савдо–сотик, аҳолига хизмат кўрсатиш билан машғул бўлишларини англатади.

4. *Иш билан даврий бандлик* – бу муайян муддатда меҳнат фаолияти билан машғул бўлиш, муайян муддатда дам олишни билдиради. Иш билан бандликнинг бу тури асосан нефть, газ саноати, балиқчилик тармоқларида вахта усулида ишловчиларни назарда тутаяди.

5. *Иш билан самарали бандлик* – бу аҳолининг иш билан бандликка эҳтиёжининг мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишининг сифат хусусияти бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишини билдиради.

Айрим иқтисодчилар иш билан бандликнинг бу турлари билан бирга иккиламчи бандликни ҳам кўрсатишади. Уларнинг фикрича, бу меҳнат

фаолиятига жалб этилган иш кучидан қўшимча (иккиламчи) фойдаланишдир¹⁸.

Иш билан иккиламчи бандлик амалда ўриндошлик бўлиб, ходимнинг қўшимча даромадга эга бўлиш учун ўз иш кучини асосий иш вақтидан бўш вақтда таклиф этишини англатади.

Меҳнат бозорида иш кучига талаб иш берувчилар томонидан шакллантирилади. Иш кучига талаб – меҳнатга эҳтиёжни англатади, яъни ишлаб чиқувчилар муайян вақтда белгиланган иш ҳақиға қанча ходимни ёллашлари мумкинлигини ифода этади

Аҳолининг иш билан тўла бандлигини таъминлаш халқаро ҳужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, Халқаро Меҳнат Ташкилотининг иш билан бандлик соҳасидаги сиёсатга тааллуқли 122–конвенциясида мазкур ҳужжатни ратификация қилган мам–лақатлар зиммасига тўла, самарали ва эркин танланган иш билан бандлик сиёсатини олиб бориш масъулияти юкланган. Мазкур конвенцияда иш билан тўла бандлик меҳнат қилишга қодир бўлган, иш жойини эгаллашни ҳоҳлайдиган ва фаол иш қидирадиган ҳамма учун бандлик сифатида белгилаб қўйилган¹⁹.

Иш билан бандлик назарияларида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш турли усул ва моделлари таклиф этилишига қарамасдан кескин ижтимоий–иқтисодий муаммоға айланадиган йўл қўйилиши мумкин бўлган ишсизлик даражаси масаласи очиклигича қолмоқда.

Ишсизлик – иқтисодий фаол аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланмаганлигини акс эттирадиган ижтимоий ҳодисадир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ "16 ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган, меҳнат

¹⁸ Статистика: Учебник //Под.ред.проф. Елисеевой И.И.–М.: ООО "ВИТРЭМ", 2002. –С. 296,300–302.

¹⁹ Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008. –Б. 116.

қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар ишсизлар, деб эътироф этилади"²⁰. Яъни қуйидагилар ишсиз шахслардир:

- меҳнатга лаёқатли ёшдан пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўладиган давргача ёшдаги;
- ишга ва иш ҳақи(меҳнат даромади)га эга бўлмаган;
- иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органларида рўйхатга олинган;
- меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр фуқаролар.

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги тўрт шарт мавжуд бўлиши лозим.

Биринчи шарт – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун ҳужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиятининг қуйи даражаси, Меҳнат кодексининг 77–моддасига мувофиқ 16 ёш, деб белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Меҳнат кодексининг ушбу моддасига мувофиқ тегишли шартларга риоя этилган ҳолда 15 ёки 14 ёшга тўлган ёшларни ҳам ишга қабул қилишга йўл қўйилса–да, улар ишга лаёқатли шахс, деб эътироф этилишлари мумкин эмас.

Иккинчи шарт – фуқаро ишга ва иш ҳақига эга бўлмаслиги лозим. Агар, фуқаро асосий ишини йўқотган, лекин ўриндошлик асосида бошқа корхонада ишлаётган бўлса, бунда у иш билан банд бўлган, деб ҳисобланади.

Нафақалар, алиментлар, қимматли қогозлар бўйича олинган дивидендлар, банкларга қўйилган маблағларга ҳисобланган фоизлар иш ҳақига кирмайди. Худди шундай пенсия ва стипендиялар ҳам иш ҳақи таркибига кирмайди, лекин пенсия олувчи фуқаролар ижтимоий жиҳатдан

²⁰ "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни // <http://www.lex.uz>

ҳимояланганликлари, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда стипендия олиб ўқиётганлар иш билан таъминланган, деб ҳисобланишлари сабабли, бундай фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этилмайдилар.

Учинчи шарт – фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлигини, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расмий мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

Ҳомиладор аёллар, агарда уларнинг ҳомиладорлик даври йигирма саккиз ҳафтадан ошмаган бўлса, улар меҳнатга қобилиятли, деб ҳисобланадилар ва ҳомиладорликнинг бу даврида улар ишсиз шахс, деб эътироф этилишлари керак.

Тўртинчи шарт – фуқаро барча тегишли ҳужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Ишсизликнинг умумиқтисодий характери меҳнат бозорининг ўзи, меҳнатга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мутаносиблик ишсизликни эмас, иш билан бандликни шакллантиришидан ҳам келиб чиқади. Ишсизлик, бир томондан, гўё иш билан бандликнинг «тескариси» ҳисобланади, иккинчи томондан, иш билан бандликни шакллантирувчи омиллардан фарқ қилувчи омиллар таъсирини ҳис қилади.

Шундай бўлсада, ишсизлик доимо иш билан бандлик билан биргаликда кўриб чиқилади: иш билан бандликнинг кўпайиши, қоидага кўра ишсизликни камайтиради, бу эса ишсизликни, ўз навбатида иш билан бандликни кўпайтиради. Таърифга кўра ишсизлик – бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир. Макроиқтисодий жиҳатдан ишсизлик – бу доимо жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуидан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир. Бу маънода ишсизлик ортиқча ишлаб

чиқариш қувватларига ёки фойдаланилмаётган ер–сувга тенг, аммо ишлаб чиқаришнинг бошқа омиллари ортиқчалигидан фарқ қилиб, «ортиқча» ишчи кучи–бозор иқтисодиётидаги доимий воқеликдир.

Шунинг учун, ишсизликнинг бозор иқтисодиёти учун «табиий», яъни нормал ва ҳатто зарур, деган тушунчаси бугунги кунда турлича талқин қилинади. Иқтисодчилардан бирлари ишсизликнинг табиий даражасини иш ҳақи ва инфляция барқарор бўладиган даража сифатида таърифлайдилар: ишсизликнинг бу даражадан пасайиши инфляциянинг ўсишига олиб келади. Аслида табиий ишсизликнинг бундай таърифи инфляцияни иш ҳақи ва иш билан бандлик даражасига боғлиқ деб ҳисоблайдиган неоклассикларга тегишлидир. Бошқа тадқиқотчилар ишсизликнинг табиий даражаси сифатида ишсизлик ихтиёрий характерда бўладиган – ишсизлик даражаси «тенг вазнли» (мувозанатли) бўлган даврдан эътироф этадилар. Учинчилари эса ишсизликнинг табиий даражасини буш жойлар миқдори ишсизлар сонига тенг бўладиган даража сифатида таърифлайдилар. Тўртинчилари – ишсизликнинг ўзгармас даражаси ва унинг нормал давомийлиги бўйича, аниқлайдилар. Халқаро Меҳнат Ташкилоти стандарти бўйича табиий ишсизлик даражаси 1,5–2,5 %ни ташкил этади.

1.2. Ишсизликнинг вужудга келиш сабаблари ва турлари

Ишсизлик иқтисодиётдаги турғунлик (даврий), таркибий ўзгаришлар (таркибий), табиий омиллар (мавсумий), ижтимоий омиллар (фрикцияли) каби сабаблар таъсирида вужудга келади.

Ҳозирги давр иқтисодий адабиётида ишсизликни таснифлашга турли ёндошувлар кўзга ташланади. Уларнинг умумий мезонлари сифатида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- пайдо бўлиш хусусияти (фрикцияли, таркибий, даврий);
- намоён бўлиш хусусияти (очиқ, яширин);

- давомийлиги (қисқа муддатли, узоқ муддатли);
- инсоннинг меҳнат фаолиятига муносабати (ихтиёрий, мажбурий);
- тарқалиш жойи (минтақавий, миллий)²¹.

Умуман ишсизликнинг асосий шакллари қуйидагилардир:

- фрикцияли ишсизлик – турли сабабларга кура (янги истиқомат қиладиган жойга кўчиш, касбини ўзгартириш, фарзандини парвариш қилиш, янги иш танлаш ва ҳоказо) вақти–вақти билан ишсиз қолишдир. Бу ихтиёрий ишсизлик, деб ҳам аталади. У, одатда, бир ойдан ортиқча чўзилмайди;

- таркибий ишсизлик – ишлаб чиқариш тузилмаси ўзгартирилган шароитда иқтисодиётнинг эски тармоқларида иш билан банд бўлганларнинг янги тармоқлар талаб этаётган янги касб ва ихтисосликларни эгалламаган давридаги ишсизликдир;

- мавсумий ишсизлик – мавсумий иш билан банд бўлганларнинг мавсум тугаши билан ишсиз қолишидир;

- даврий ишсизлик – иқтисодий танглик билан боғлиқ бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажми кескин камайиб кетиши оқибатида рўй берадиган ишсизликдир. Бу мажбурий ишсизлик, деб ҳам аталади;

- яширин ишсизлик – расман иш билан банд ҳисобланганларнинг қисман иш билан бандлиги. Бу турдаги ишсизликда ходим қисқартирилган иш кунда ишлайди ёки ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлади;

- ёшлар (аёллар) ишсизлиги – ёшларнинг таълим муассасаларини тугаллаганларидан сўнг, аёлларнинг ўз фарзандларини парвариш қилишлари ва бошқа турли сабабларга кўра иш билан банд бўлмасликларидир.

Ривожланган мамлакатлар учун асосан ишсизликнинг фрикцияли ва таркибий турлари хосдир. Ўзбекистон Республикаси учун эса демографик омиллар туфайли ортиқча иш кучи мавжудлиги, аҳолининг кўпчилиқ қисми

²¹ Макроэкономика: теория и российская практика. –М.: КНОРУС. 2004. –С.137–139.

қишлоқ жойларида истиқомат қилиши билан боғлиқ мавсумий ишсизлик табиий ҳисобланади²².

Ф.А.Хайекнинг ҳисоблашича, ҳозирги даврдаги ишсизлик авваллари кейнсчилар назариялари асосида иш билан тўлиқ бандликка эришиш сиёсатининг бевосита оқибатидир²³. Унинг ҳисоблашича, иш кучига талабнинг етарли эмаслиги одатда ишсизликнинг асосий сабаби бўлмайди (пул камайган даврлар истисно этилганда). Ишсизликнинг ўзи жамланма талаб ва таклифнинг мутлақ камайиши сабабига айланиши мумкин. Истеъмол талаби инвестициявий фаоллик жонланиши билан бошланади. Иш билан бандлик даражаси юқори бўлган шароитларда ҳам ишлаб чиқаришга капитал қуйилмалар киритилиши талаб этилади.

Ишсизликнинг табиий даражаси – иқтисодий гипотеза ҳисобланиб, унга кўра муайян реал иш ҳақи даражаси таркиб топганда аҳолининг муайян қисми учун тўлиқсиз иш билан бандлик мавжуд бўладиган умумиқтисодий мутаносибликдир. Бундай тўлиқ бўлмаган ишсизлик мукаммал бўлмаган меҳнат бозоридаги ахборотнинг етишмаслиги, тўсиқларнинг мавжудлиги, иш кучи ҳаракатчанлиги, демографик ўзгаришлар ва бошқа сабаблар оқибатидир. Мазкур сабабларга кўра ишсизлик даражасини нолга тушириб бўлмайди. Уни фақат мукаммал бўлмаган меҳнат бозори белгилаган даражагача пасайтириш мумкин. Яъни ишсизликнинг ушбу даражасига қисқа вақт мобайнида таъсир кўрсатиб бўлмайди. Бунинг учун, жумладан, қуйидаги тартибга солиш ёки таркибий сиёсат ўтказиш натижасида аста–секин эришса бўлади:

- иш излашни енгиллаштирадиган технологияларни ривожлантириш;
- иш ҳақининг энг кам миқдорини жорий этиш;
- меҳнат бозоридагидан юқори бўлган самарали иш ҳақини жорий

этиш.

²² Ижтимоий–иқтисодий жараёнларни бошқариш/Абулқосимов Х.П. ва бошқалар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2007. – Б.240.

²³ Хайек Ф.А. Общество свободных / Пер. с англ. – М.: 1990. – С.93.

М.Фридманнинг назариясига кўра эса, табиий ишсизлик кутилаётган инфляция даражаси амалдаги инфляцияга тенг бўлган макроиктисодий мутаносибликка мувофиқ ҳар бир иқтисодиёт учун ўзига хосдир. Унинг тасдиқлашича, ҳамма вақт реал иш ҳақи ставкаларидаги тенгликка мое келадиган муайян ишсизлик даражаси мавжуддир. Ишсизликнинг бундай даражасида реал иш ҳақи ставкалари муайян суръатда, яъни ишлаб чиқаришга капитал қуйилмалар киритиш, техника янгиликлари киритиш ва бошқа жараёнлар ўзларининг узок муддатли ҳолатларида сақланиб туришини таъминлайдиган суръатларда ортиб бориш тенденциясига эга бўлади. Агар давлат ишсизликнинг бу табиий даражасини ошириш чорасини курса, бунга биринчи жавоб нархларнинг ортиши бўлади.

М.Фридман нуктаи назарича, инфляция даражаси қанчалик юқори бўлса, такрор ишлаб чиқариш иштирокчилари ўз саъй-ҳаракатларида нарх-навонинг бўлажак кўтарилишини шунчалик кўпроқ ҳисобга олади ва буни меҳнат шартномалари, контрактларда турли махсус қайдлар орқали бартараф қилишга интилади. Демак, кейнсчилар асослаган инфляциянинг рағбатлантирувчи самараси вақт утиши билан камайиб боради. Ҳукумат ишлаб чиқаришни жадаллаштириш учун инфляциянинг қўшимча сакрашларига таяниб иш кўришга мажбур бўлади. Бу эса, бюджетдан молиялаштиришнинг янада кўпроқ тақчиллигига олиб келади.

Ишсизлик даражаси энг муҳим кўрсаткичлардан ҳисобланади. У иш билан машгул барча ходимлар (иктисодий фаол аҳоли) ва ишсизлар сонинг нисбати бўлиб, қуйидагича аниқланади:

$$Ur = \frac{Uw}{Nlf}$$

бунда: Ur – ишсизлик даражаси;

Uw – ишсизлар сони;

Nlf – иқтисодий фаол аҳоли сони.

Ишсизлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишнинг бошқа усуллари ҳам мавжуддир. Жумладан, ишсизликнинг умумий коэффицентини ишсиз аҳолининг иш билан бандлар ва ишсизлар умумий сонига нисбати сифатида аниқлаш мумкин:

$$K_6 = [K_3 : (N + N_6)]100$$

Бунда, K_6 – ишсизликнинг умумий коэффиценти;

K_3 – иш билан бандлар умумий сони;

N_6 – ишсизлар умумий сони.

Мазкур коэффицент мавжуд иш жойига номзодлар умумий сонига ишсизлар улушини ҳамда ҳақ тўланадиган меҳнатга қондирилмаган талаб даражасини акс эттиради. Бироқ бу иш билан самарали бандлик тушунчасининг миқдор кўрсаткичидир. Унинг сифат кўрсаткичларига эса жами иш кучига сарф–харажатларни меҳнат натижалари билан таққослаш киради.

Мамлакат бутун иқтисодиёти кўламида мазкур кўрсаткич ҳосил қилинган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), миллий даромаддир. Иш билан бандлик самарадорлиги (ёки ишсизлик қиймати) реал имконияти бўлган, бироқ аҳоли иш билан банд бўлмаганлиги оқибатида қўлдан бой берилган ЯИМ миқдори ҳисобланади. Имкони бўлган ҳамда реал ЯИМ ўртасидаги тафовут иш билан бандлик самарадорлиги ёки ишсизлик қиймати ҳисобланади.

Ушбу қонданинг математик ифодаси А.Оукен қонуни номини олган. А.Оукен эмпирик тадқиқотлар асосида иқтисодий ўсиш суръатлари қисқариши билан ишсизлик даражаси ўртасидаги барқарор алоқани аниқлаган. Мазкур қонуннинг моҳияти ишсизликнинг юқори даражаси ЯИМ ўсишининг амалдаги суръатлари имкони мавжуд бўлганга Караганда паст бўлган даврларга тўғри келади. Бунинг натижасида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг амалдаги фаоллиги имкон

бўлган даражадан паст бўлади. Бошқача қилиб айтганда, А.Оукен қонуни, биринчидан, ишсизликнинг табиий нормасини, демак, иш билан бандлик бозор даражасини, иккинчидан, мавжуд ишсизлик нормаси барқарор бўлиши учун зарур бўлган ЯИМ ўсиши суръатларини, учинчидан, ишсизлик ҳамда иш билан тўлиқ бозор бандлиги муаммосини ҳал этиш учун ЯИМ ўсиши суръатлари қай даражада бўлиши қераклигини белгилаб беради.

А.Оукен агар амалдаги ишсизлик унинг табиий даражасидан 1,0 % га ортиқ бўлса, ЯИМда орқада қолиш 2,5 % ни ташкил этишини (яъни, 1:2,5 ёки 2:5 нисбатини) аниқлаган. Бундай нисбат ишсизлик оқибатида йўқотилган маҳсулотлар, моддий неъматлар ва хизматлар мутлақ миқдорини ҳисоблаб чиқиш имконини беради.

I-боб бўйича хулосалар

1. Аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси таркибига меҳнат бозоридан ташқари аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаши, уларнинг уй хўжаликлари таркибидаги фаолиятлари, кадрларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш мақсадли дастурлари ҳам киради. Яъни, иш билан бандлик соҳаси меҳнат бозори тушунчасидан кенгроқдир. Меҳнат бозорини тартибга солиш иш билан бандликнинг бир қисми ҳисобланади.

2. Ишсизликнинг умумиқтисодий характери меҳнат бозорининг ўзи, меҳнатга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мутаносиблик ишсизликни эмас, иш билан бандликни шакллантиришидан ҳам келиб чиқади. Ишсизлик, бир томондан, гўё иш билан бандликнинг «тескариси» ҳисобланади, иккинчи томондан, иш билан бандликни шакллантирувчи омиллардан фарқ қилувчи омиллар таъсирини ҳис қилади. Шундай бўлсада, ишсизлик доимо иш билан бандлик билан биргаликда кўриб чиқилади: иш билан бандликнинг кўпайиши, қоидага кўра ишсизликни камайтиради, бу эса ишсизликни, ўз навбатида иш билан бандликни кўпайтиради. Таърифга кўра ишсизлик – бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир. Макроиқтисодий жиҳатдан ишсизлик –

бу доимо жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуидан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир.

II–БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ИШСИЗЛИКНИ КАМАЙТИРИШ ВА БАНДЛИКНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг хориж тажрибаси ва ундан иждодий фойдаланиш имкониятлари

Ўзбекистонда аҳоли бандлигини оширишда хорижий тажрибадан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, Ғарбий Европа мамлакатларида тўпланган тажриба диққатга сазовор. Бу мамлакатларда меҳнат қонунчилиги иккинчи жаҳон урушидан кейинги дастлабки икки ўн йиллик давомида “Умумий фаровонлик давлати” концепцияси доирасида шаклланди. Ижтимоий мувозанатни қўллаб-қувватлаш умумий фаровонлик давлатининг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Аммо давлатнинг ўзи миллий ёки тармоқ даражасида жамоа шартномаларини тузиш ҳамда давлат сектори ишчи ва хизматчиларига нисбатан иш берувчи вазифасини бажариш жараёнида учинчи томон сифатида чиқади.

Бандлик сиёсатини олиб боришнинг жаҳон тажрибаси тараққий этган мамлакатларда бу сиёсатининг қуйидаги моделларининг мавжудлигини кўрсатади:

Шимолий америка модели иқтисодий фаол аҳолининг сезиларли қисми учун юқори меҳнат унумдорлиги талаб қилинмайдиган ишчи ўринларини яратишни назарда тутди. Бунда ишсизлик даражаси расман қисқаради, аммо паст даромадли аҳоли сони кўпаяди.

Европа модели. Ушу модел меҳнат унумдорлигини ошириш орқали бандликни қисқартириш, натижада ишчилар даромадини оширишни кўзда тутди. Бу сиёсат кўпсонли ишсизлар учун кўп харажатли нафақа тизимини талаб этади. Европа моделининг таркибида алоҳида Скандинавия моделини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу модел ишлашни ҳоҳловчиларни давлат секторида ўртача иш ҳақи асосида иш билан таъминлашга асосланади.

Бундай сиёсатни асосан давлат маблағлари ҳисобига амалга ошириш кўзда тутилади. Давлат бюджети дефицити шароитида ишлаб чиқаришнинг пасайиши рўй беради. Бу эса ишчиларнинг бўшатилишига олиб келади.

Шарқий Осиё модели. Ушбу модел иқтисодий адабиётларда япон модели, деб ҳам юритилдаи. Япон модели - давлат асосий эътиборни узлуксиз касбий тайёргарлик орқали ишчи кучининг малакасини оширишга қаратади. Шунингдек, япон моделига меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шакллари миллий анъаналар билан уйғунлаштириш хусусияти ҳам хос. Шунинг учун иқтисодий ривожланишнинг япон моделини иерархик корпоративизм, деб ҳам аташади. Япония бандлик сиёсати моделига хос қуйидаги белгиларни ажратиш мумкин:

- меҳнат бозорида фирмалар даражасида бир маротабаalik меҳнат шартномаларининг қўлланилиши. Меҳнат муносабатлари «фирма патернализми»ни (бир умр ёлланиб ишлаш тизими, фирма – бизнинг уйимиз) ифода этади;
- фирмалар ва давлатнинг ишчи кучи малакасини ошириш, ишчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишга алоҳида эътибор қаратиши;
- меҳнат бозорида бир умр ёллаб ишлатиш ва иш ҳақини ёшга қараб тўлаш тизимидан босқичма-босқич Ғарб меҳнат тизимига ўтиш амалга оширилди.

Ривожланган мамлакатларда турли ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделлари доирасида иш вақти давомийлиги ва ишсизлик даражаси ўртасида фарқ кузатилади. Аҳоли турмуш даражасининг юқориликка қарамадан АҚШ ва Япония ривожланган мамлакатлар ўртасида бир ишчига ҳисобланган расмий иш соатлари (1800 соат атрофида) бўйича етакчилик қилишади. Бу кўрсаткич 2003 йилда Буюк Британияда – 1700, Италияда – 1600, Германия ва Францияда – 1500, Нидерландия ва Норвегияда – 1400 соат атрофида бўлган.

Ишсизлик даражаси ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделлари доирасида фарқ қилади.

– Ғарбий Европада ишсизлик даражаси 1913 йилда 1,5% ни, 1950–1973 йилларда ўртача 2,9%, 1973–1998 йилларда 7,1%, 1998–2007 йилларда 8,5% ни ташкил этгани ҳолда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида 2010 йилда 10,1% га тенг бўлди. Ғарбий Европада ишсизлик даражаси иқтисодий ўсишнинг паст суръатлари сабабли тарихий ўсиб бориш тенденциясига эга. Жумладан, ЕИга аъзо мамлакатлар ўртасида энг юқори ишсизлик даражаси 2011 йилнинг охирига келиб Испания (22,6%), Греция (17,6%), Латвия (16,1%), Литва (15,5%), Ирландия (14,2%), Словакия (13,5%), Эстонияда (12,8) кузатилди²⁴. ЕИда молиявий-иқтисодий инқирозга қарши кураш - “Барқарорлик ва ўсиш” режаси доирасида бандликни қўллаб-қувватлаш – меҳнат бозорини иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларига мослаштириш ва аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам ҳимояланган қатламларига ёрдам бериш кўзда тутилган.

АҚШ модели - ушбу моделга ишчи кучидан фойдаланиш соҳаларида бозор-рақобат механизмининг устуворлиги хосдир. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида ишчи кучининг 52% и банд бўлса, йирик бизнесда бу кўрсаткич 48% га тенг. Иқтисодиётда банд бўлганлар ва мамлакат ЯИМнинг 80% и хизмат соҳаси ҳиссасига тўғри келади. АҚШда ишсизлик даражаси 1913 йилда 4,3% ни, 1950–1973 йилларда ўртача 4,6% ни, 1973–1998 йилларда 6,6% ни, 1999–2007 йилларда 4,9% ни ташкил этган бўлса, молиявий-иқтисодий инқироз туфайли 2010 йилда 9,6% га қадар ошди. Умуман, АҚШда ишсизлик даражаси Ғарбий Европага нисбатан инқироз таъсирини ҳисобга олмаганда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари туфайли камроқ ўзгаришга эга²⁵.

Японияда ишсизлик даражаси 1950–1973 йилларда ўртача 1,6% ни, 1973–1998 йилларда 2,5% ни, 1998–2007 йилларда 4,6% ни ташкил этган.

²⁴ Аутсорсингу ишут замену.//Коммерсантъ, 30.01.2012.

²⁵ Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2011.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсири оқибатида ишсизлик даражаси ортиб, 2010 йилда 5,1% га тенглашди. Таҳлиллар ишсизлик даражаси ва иқтисодий ўсиш суръатлари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунга қарамасдан Япониянинг иқтисодий ривожланиш модели 1998–2007, 2008–2010 йилларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пастлигига қарамасдан ишсизлик даражасининг пастлигини намойиш этмоқда. Японияда ишсизлик даражаси жаҳон молиявий инқироzi таъсирида 2009 йилда 5,7% га етди, бу кўрсаткич халқаро даражадан паст бўлса-да, Япония учун жуда юқори ҳисобланади. Ишдан асосан меҳнат шартномалари тугаётган, вақтинчалик ва тўлиқсиз иш кунида ишлаётганлар бўшатишди. Кенг миқёсда ишдан бўшатишлар эса завод ва фабрикалар ёпилган вақтда юз берди, аммо компаниялар давлатнинг бандликни сақлаб қолиш учун ажратган мақсадли субсидияларидан фойдаланган ҳолда доимий ишчиларини ишдан бўшатмасликка ҳаракат қилишмоқда.

Ривожланган мамлакатларда меҳнат бозорини тартибга солиш хусуиятлари юқорида қайд этиб ўтилган моделлар доирасида бир-биридан фарқли жиҳатларга эга. Жумладан, 1980 йилларга келиб, ўзининг индивидуализм, хусусий ташаббус ва шахсий жавобгарлик анъаналари билан тарихан шаклланган АҚШ меҳнат бозори устидан давлат назорати вазифасини жуда суиш ифодалаган ягона мамлакат бўлиб қолди. Европа мамлакатлари ҳамда Тинч океани минтақасида (Япония, Автралия, Янги Зеландия) иш берувчи қонунлар доирасида белгиланадиган чекловлар сони билан ҳисоблашишга мажбур. Жанубий Европа мамлакатлари – Испания, Италия, Греция учун меҳнат муносабатларининг энг кучли тартибга солинувчанлиги хосдир.

Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳамияти унинг нафақат ёлланиб ишловчилар барчасининг аҳволини тартибга солиши билан, балки меҳнат бозорининг амал қилиш самарадорлигига: бандлик ва

ишсизлик динамикасига, ишчи кучи ва ишчи ўринларининг қайта тақсимланишига, ишчи кучи алоҳида гуруҳларининг фаровонлигига (хусусан, ижтимоий жиҳатдан кўпроқ ночор бўлган) ва ниҳоят, меҳнат бозорининг ҳар хил турдаги фалажларга мослашиш бутун механизмига бевосита таъсири билан белгиланади.

Меҳнат соҳасидаги стандартлар тўплами бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни тартибга солишнинг бевосита объекти ҳисобланиб, уларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин:

- ёллаш ва ишдан бўшатиш тартиблари, ишловчини олдинда турган бўшатилиш тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиш муддатлари, чиқиш нафақаси ҳажмлари, касаба уюшмаси органини ёки махсус давлат муассасасини ишчи кучини ишдан бўшатиш тўғрисида олдиндан хабардор қилиш зарурати;

- оммавий ишдан бўшатиш олиб боришнинг алоҳида тартиблари;
- ишловчини адолатсиз ишдан бўшатишдан ҳимоя қилишнинг юридик усуллари;

- меҳнат шартномаларининг турлари (амал қилиш ошкора муддатларига эга бўлган ва муддатли шартномалари), меҳнат бозорига вақтинчалик ходимларни тақдим қилиш агентлиги.

Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик у ёки бу моделининг хусусиятларини таҳлил қилишда меҳнат қонунчилигини амалда қўллаш имкониятини ҳисобга олиш муҳим. Кўп ҳолларда саноати ривожланган мамлакатлар қонун ҳужжатларида қайд қилинган қатъий қоидалар ё ишловчиларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мумкин бўлган юридик усуллари тўғрисида суст хабардор қилинганлиги туфайли, ёки давлатларда иш берувчилар томонидан қонунчилик бузилган вазиятларда қонунчилик меъёрларининг бажарилишини таъминлашга етарли маблағлар мавжуд эмаслиги туфайли қўлланилмайди.

1980-йилларнинг бошида меҳнат қонунчилиги тизими жиддий ислоҳ қилиш заруриятига учради. Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг қатъийлашуви ўз навбатида бандлик даражасини ушлаб туришнинг муҳим воситаси сифатида қарама – қарши натижага – ишсизликнинг кучайиши ва ҳ.к. ларга олиб келди. Ривожланган мамлакатларни бандликни муҳофаза қилишнинг юзага келган тизимини қайта кўриб чиқишга ундайдиган асосий сабабларни кўриб чиқамиз:

- ишдан бўшатиш тартибига чекловлар меҳнат бозоридаги вазиятни юмшатиш нуқтаи назаридан самарасиз бўлди (1971 йилдан 1981 йилгача ОЭСР мамлакатларида ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 3,5% идан 6,6% игача ўсди);

- бандликни муҳофаза қилишнинг кўпроқ либерал тизимига эга бўлган мамлакатлар эндоген фалажларга учраганда, юқори мослашувчан имкониятларни ҳам кўрсатдилар (масалан, АҚШ да бошқа ривожланган мамлакатларга қараганда, тезроқ ишсизликни бартараф қилдилар, 1983 йилда бу мамлакатларда ишсизлик даражаси ўзининг максималига – 9,5% га эришди, 1990 йилларнинг охирида ўртача Европа кўрсаткичидан икки барабар паст бўлди);

- меҳнат бозори кўпроқ сегментлашган тавсифга эга бўлди. Бунда “инсайдерлар” нинг нисбатан юқори муҳофазаси “аутсайдерлар” учун имкониятларнинг қисқариши билан бирга борди. Натижада ишсизликнинг таркибий муаммолари кучайди (аёллар ва ёшлар орасида ишсизлик даражаси ўртача кўтарилди, иш излаш узунлигининг ошиши узок вақт давомидаги ишсизлик муаммосини жиддий кучайтирди);

- бандлик кафолатлари тармоқларни таркибий қайта қуриш ва уларнинг технологик асоси туфайли юзага келадиган ишловчи ҳаракатчанлигини ошириш зарурияти билан зиддиятга учради;

- меҳнат фоллятини ўқиш ёки уй мажбуриятларини бажариш ва болалар тарбияси билан бирга олиб боришдан манфаатдор ёшлар ва аёллар орасида, айниқса, эгилувчан иш тартибларига бўлган эҳтиёж ошди.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат муносабатларини қатъий тартибга солишдан аста-секин воз кечиш юз бермоқда. Меҳнат бозори эгилувчанлигини ошириш вазифаси устувор вазифа сифатида қўйилиб, бандлик соҳасига бандлик муассасаларининг тўғридан – тўғри аралашувини сусайтиришни; меҳнат муносабатлари асосий иштирокчиларининг ҳуқ-атворини қатъий тартибга солишдан воз кечишни; иш берувчи ва ишловчи ўртасида шартнома муносабатлари ролини кучайтиришни; бандлик, иш вақти шакллари ва ҳ.к.ларга нисбатан турли чекловларни олиб ташлашни кўзда тутди. Мазкур устувор вазифанинг қўйилиши давлат сиёсатининг кўплаб ташкил қилувчилари, жумладан, ишсизликдан суғурталаш тизими, меҳнат бозоридаги фаол дастурлар ва ҳ.к. ларнинг қайта кўриб чиқилишига олиб келди. Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш мазкур сиёсатнинг бош унсурларидан биридир.

Меҳнат қонунчилигида юз бераётган ўзгаришларни туб ўзгаришлар, деб аташ мумкин эмас, мазкур натижалар кўпинча зиддиятли тавсифга эга бўлди. Бироқ 1980-1990 йилларда саноати ривожланган мамлакатларда бандликни муҳофаза қилиш қонунчилиги соҳасидаги ислохотлар умумий йўналиши пухта кўриб чиқилди: меҳнат бозори тартибга солинувчанлигининг сусайиши; ишчи кучидан фойдаланиш масалаларини ҳал қилишда катта ваколатларни иш берувчига қайтариш ва б.

Бандликни муҳофаза қилиш даражаси кўплаб тавсифларга боғлиқ: иш стажи (шу жумладан, мазкур корхонадаги), касбий мансублиги (“кўк” ёки “оқ” ёқалиларга), тармоқ ва корхонанинг ўзига хослиги. Ҳарб мамлакатлари ҳукумати ишчи ташкилотлари, айниқса, касаба уюшмалари билан жиддий конфронтациядан қочишга уриндилар, улар муддатсиз меҳнат шартномасига

эга бўлган тадбирларга қарши ҳаракат қилишда (ўзининг сиёсий таъсири пасайишига қарамасдан) давом этмоқда. Ушбу ишловчилар кўп сонли гуруҳлари бандлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги мамлакат қонунчилигининг қатъийлигини баҳолаш қуйидаги тўрт гуруҳ мезонлар бўйича табақалашган бўлиши мумкин: ишдан бўшатишдан олдинги турли тартиботларнинг мураккаблиги; ишловчини бўшатилиш ва дам олиш нафақаси ҳажми тўғрисида олдиндан расман хабардор қилиш давомийлиги борасидаги миллий қонунчилик хусусиятлари; ишловчи томонидан бўшатилиш тартиботи; жамоавий бўшатилиш вазиятида турли мамлакатлар тажрибаси.

Биринчи гуруҳ мезонлар келишувчилик тартиботларига тегишлидир. Мазкур мезон бўйича доимий ишловчилар бандлигини ҳимоялаш даражасида мамлакатлар ўртасида катта тафовутлар мавжуд. Норвегия ҳар бир ишчининг ишдан бўшатилиши тўғрисида давлат бандлик хизматини олдиндан хабардор қилишга иш берувчини мажбурлайдиган ягона давлатлигича қолмоқда. Қонуннинг бу талаби ишдан бўшатиш тартибини узайтирибгина қолмай, балки ҳар доим ҳам иш берувчига унга кераксиз ишчи кучидан қутулиш имкониятини беравермайди.

Хабар бериш муддатлари ва дам олиш нафақаси ҳажми билан боғлиқ иккинчи гуруҳ мезонлар охириги йилларда унча катта бўлмаган ўзгаришларни бошдан кечирди. Гарчи АҚШ ва Мексикадан ташқари барча мамлакатларда ишдан бўшатиш тўғрисида олдиндан хабардор қилиш бўйича меъёр қўлланилсада, бироқ ҳар уч мамлакатдан атиги иккитасида қонунчилик томонидан мазкур компанияда узоқ иш стажига эга бўлган ишловчиларга дам олиш нафақаси тўлаш кўзда тутилади. Дам олиш нафақасини тўлаш амалиёти АҚШ ва Германияда, Данияни истисно этганда, Скандинавия мамлакатларида қўлланилмайди (фақат 20 йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган шахсларга нисбатан қўлланилади).

Ўзбекистон меҳнат қонунчилигида ҳам иш берувчининг ташаббуси билан ишдан бўшатиш тартиблари ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 101-моддасига мувофиқ, иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розлик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир²⁶. Бундан ташқари, Кодексда ишловчиларни иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муддатлари ва кетиш нафақаси ҳажмлари ҳам кафолатланган. Хусусан, Кодекснинг 102-моддасига кўра, иш берувчи меҳнат шартномаси технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан бекор қилинганда ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши шарт²⁷.

Меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда эса икки ҳафта олдин хабардор қилинади ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра, огоҳлантириш муддатига мос келадиган пуллик компенсация тўланади.

Олдиндан хабардор қилиш муддатлари узунлигига ҳамда дам олиш нафақаси ҳажмига таъсир кўрсатадиган асосий омиллардан бири (бу меъёрлар қўлланилаётган мамлакатларда) иш стажи ҳисобланади. Ўзбекистонда иш стажидан қатъий назар, иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш тўғрисида камида икки ой олдин тегишли касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли

²⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1996. 48-бет

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1996. 48-49-бетлар.

ишларни амалга оширади. Иш берувчи шунингдек, камида икки ой олдин ҳар бир ходимнинг касби, мутахассислиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда бўлажак ишдан озод қилиш тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт²⁸. Меҳнат интизомини бузганлиги оқибатида ишини йўқотган ишловчиларга бошқалар билан тенг суратда дам олиш нафақаси тўланиши хос. Ўзбекистонда ҳам мазкур ҳолат кўзда тутилган бўлиб, унга кўра, иш берувчи ходимни меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилиниши тўғрисида камида уч кун олдин хабардор қилади ва шунга мутаносиб компенсация тўлайди²⁹.

Ишловчи томонидан ишдан бўшатиш билан боғлиқ учинчи гуруҳ мезонларга кўра, доимий шартнома асосида ишлайдиганлар орасида “адолатли ва адолатсиз ишдан бўшатиш” тушунчаси муҳим роль ўйнайди. Кўпчилик мамлакатларда жинси, ёши, диний мансублиги бўйича камситишлар натижасида ишдан бўшатиш адолатсиз, деб баҳоланади. Ҳомиладор аёллар, ногиронлар, касаба уюшмалари ишловчилари каби ишловчилар тоифаларининг бандлигини муҳофаза қилиш кенг тарқалган.

ОЭСР (жумладан, Ирландия, Буюкбритания, Бельгия, Италия, Канада ва Австралия) мамлакатларидан атиги 13 тасида ишловчиларнинг ишлаб чиқариш функциясини бажаришга лаёқатли бўлмаслиги ёки аниқ иш жойини тугатиш ишдан бўшатишни қонуний, деб эътироф этиш учун етарли асос ҳисобланади. Айрим мамлакатларда шартнома бузилганда иш берувчи ишдан бўшатилаётган ишловчининг ёши ва иш стажини ҳисобга олиши, ишга жойлаштириш бўйича маълум чоралар кўриши зарур. Мексика ва Норвегияда мазкур кўрсаткич бўйича қатъий қонунчилик қабул қилинган. Масалан, Норвегия судлари фақат меҳнат интизомини бузганлик, фирмага нисбатан садоқатсизлик, мунтазам прогуллар вазиятида ишдан бўшатишни

²⁸ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1996. 50-бет.

²⁹ Ўша жойда, 49-бет.

қонуний, деб эътироф этадилар. Иқтисодий сабабларга кўра, ишдан бўшатиш ноқонуний, деб эътироф этилади. Бунда иш берувчида ишловчига бошқа иш жойини бериш имконияти мавжуд бўлади. Қатъий меъёрларга эга бўлган мамлакатларга яна Португалия ва Япония ҳам киради, айтиш вақтида АҚШ ва Канадада ишдан бўшатишнинг либерал меъёрларидан фойдаланилмоқда.

Ишдан бўшатишни ноқонуний, деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарорини бажариш тартиби кам муҳим эмас. Суд томонидан ишловчининг ишдан бўшатилиши ноқонуний, деб эътироф этилган вазиятларда уни олдинги иш жойига қайтариш тўғрисидаги қоида бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда амалда қўлланилмайди. Иш берувчилар маълум компенсацияни тўлаш мажбуриятини оладилар. Чунки унинг ҳажми яқка тартибда бўшатишганда оддий компенсацион тўловлардан анча ошиб кетиши мумкин. Адолатсиз равишда ишдан бўшатишган вазиятларда компенсацион тўловларнинг максимал мумкин бўлган ҳажми Италия ва Швецияда ҳаддан ташқари юқори.

Адолатсиз ишдан бўшатишларга нима тегишли бўлса, бўшатиш учун қонуний асос сифатида қонунчиликни эркинлаштириш иқтисодий сабабларни тан олишда ифодаланди (Испания ва Португалияда). Финландияда эса аксинча, 1990 йилларнинг ўрталарида меҳнат бозоридаги вазиятнинг кескин ёмонлашиши оқибатида қонунчилик мазкур қоидасининг қатъийлашиши юз берди.

Ўзбекистон қонунчилигида ҳам мазкур ҳолат кўзда тутилган. Хусусан, Меҳнат Кодексининг 111-112–моддаларида меҳнат шартномаси ғайри қонуний равишда бекор қилинган ҳолларда, у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишига тикланиши лозим ҳамда

ишга тикланганда, иш берувчига ходимга етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади³⁰.

Тўртинчи гуруҳ мезонлар жамоавий бўшатишлар билан боғлиқ. Атиги бир мамлакат – Янги Зеландияда бўшатиш тартиби бўшатилаётган ишчилар сонига боғлиқ эмас. Кўпчилик ОЭСР мамлакатларида меҳнат қонунчилиги якка ва жамоавий ишдан бўшатишни чеклайди. Бироқ охириги мезон мамлакатига қараб анча фарқ қилади.

АҚШ ва Канадада жамоавий ишдан бўшатиш тўғрисидаги қонунни қўллаш учун бўшатилаётганлар сони 50 ишчидан ортиши керак, Япония, Буюкбритания ва Нидерландияда – 20, Чехия, Мексика, Португалия, Италия, Греция ва Австрияда -5-10 та ишчи бўлиши керак³¹. Барча саноати ривожланган мамлакатларда (фақат Франция бундан мустасно) олдинда турган оммавий ишдан бўшатишлар тўғрисида хабар бериш ё касаба уюшмалари (ишчи кенгашлар), ёки давлат идоралари орқали (кўпинча давлат бандлик хизмати орқали), АҚШ ва Канадада у ёки бошқа тузилмалар орқали бир вақтда амалга оширилади.

Жамоавий ишдан бўшатиш бу борада олдиндан хабар бериш муддатлари тўғрисидаги қонун талаблари билан мураккаблашиб, якка бўшатишларда қўлланиладиган муддатларга қўшилади. Ишловчилар Канада ва Швецияда олдинда турган бўшатишлар тўғрисида 111-113 кун ичида, Буюкбритания ва АҚШда 57-83 кун ичида хабардор қилинишлари керак. Бошқа мамлакатларда хабар бериш ўртача даври 20-45 кунни ташкил қилади. Бу меъёр беш мамлакат: Австралия, Янги Зеландия, Япония, Корея ва Мексикадагина қўланилмайди.

Фақат ғарб мамлакатларида жамоавий ишдан бўшатишларда қўшимча кетиш нафақалари тўланади ёки махсус компенсацион режалар амалга оширилиб, қайта ўқитиш тадбирларини, янги иш излашда ёрдам

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1996. 55-бет.

³¹ Ўзбекистонда оммавий ишдан бўшатиш мезони қонунчилик томонидан эмас, балки тармоқ ёки ҳудудий келишувлар билан белгиланади (Меҳнат Кодексининг 102-моддаси).

кўрсатишни, узоқ иш стажи учун қўшимча тўловларни амалга оширади. Бундай тадбирлар нафақат инглиз – саксон мамлакатларида, балки Швеция, Норвегия, Финландия ва Данияда ҳам мавжуд. Ўзбекистонда ходимга бошқа иш қидиришга ҳафтада камида бир кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилади³².

Қўлланилаётган ишчи кучи сонини қатъий тартибга солиш шароитида уни бартараф қилиш воситаларидан бири – тўлиқсиз иш вақтида ишловчилар меҳнатидан фойдаланишдир. Қисман бандлик либерал меҳнат қонунчилигига эга бўлган АҚШ ва Канададагига қараганда тартибга солинган Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалди. Бироқ қисман бандлар меҳнатидан фойдаланиш меҳнат жараёнини ташкил қилиш, турли иш куни давомийлигига эга бўлган алоҳида шахслар иш графигини қўшиб олиб бориш қийинчиликлари билан боғлиқдир. Ўзбекистонда ҳам ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин³³.

Муддатли битимлар меҳнат муносабатларининг узвий қисми бўлиб, уларни қўллаш соҳаси гарчи мамлакатлар бўйича фарқ қилсада, кенгайди. АҚШ, Канада, Ирландия ва Буюкбританияда барча вазиятларда, иш берувчи ва ишчи зарур, деб ҳисоблаганда, муддатли меҳнат келишувлари тузилиши мумкин. Кўпчилик мамлакатларда асосли шароитларда муддатли битимлардан фойдаланишни қонун чекламайди. Муддатли меҳнат шартномаларини тузиш учун чекловлар фақат айрим мамлакатларда мавжуд: Финландия, Норвегия ва Францияда улар иш жойини биринчи марта излаётган ишчилар учун корхоналар очишда рухсат этилган.

³² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. –Т.: “Адолат”, 1996. 50-бет

³³ Ўша жойда, 58-бет.

Бироқ барча саноати ривожланган мамлакатларни қўлланилаётган меъёрларнинг қатъийлик даражаси бўйича шартли равишда гуруҳга ажратиш мумкин:

- тартибга солиш либерал моделига эга бўлган мамлакатлар, унга кўра, иш берувчилар кўпроқ иқтисодий мақсадга мувофиқлигидан келиб чиқиб, кадрлар сиёсатини олиб борадилар (АҚШ, Канада, Буюкбритания, Ирландия, 1990 йилларнинг ўрталаридан Австрия ва Янги Зеландия);

- меҳнат муносабатлари моделини сақлаган мамлакатлар, бунда иш берувчилар фойдаланилаётган ишчи кучи сони тўғрисида қарор қабул қилишда кўп сонли чекловлар билан ҳисоблашишга мажбурдирлар (Италия, Греция, Туркия, Германия ва Франция);

- барча қолган мамлакатларни оралиқ гуруҳга киритиш мумкин бўлиб, бандликни ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчилик соҳаларидан қандайдир биттасида бошқа соҳалардаги либерал қонунчилик билан биргаликда қатъий чекловчи тадбирлар унинг учун хосдир.

Бандликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ислоҳ қилишнинг меҳнат бозори амал қилишига зиддиятли таъсирини қайд этиш жоиз. Кўпчилик тадқиқотчилар қатъий қонунчиликка эга бўлган мамлакатлардаги паст бандлик ўсиш суръатлари ва паст бандлик даражасини қайд этадилар³⁴. У ортиқча ишчи кучи қисқарганда иш берувчиларнинг катта харажатларини белгилайди, ҳатто ишлаб чиқариш кенгайган даврларда кўшимча ишчиларни ёллашда катта эҳтиёткорликни намоён қилишга уларни мажбур қилади.

Доимий шартномага эга бўлган “ортиқча” ишчиларни ишдан бўшатишга чекловлар иш берувчиларни ностандарт бандлик шаклларини, биринчи навбатда, муддатли меҳнат шартномаларини кенг қўллашга мажбур қилади. Муддатли меҳнат шартномаларига қонунан рухсат бериш

³⁴ Addison L., Teixeira P. The Economics of Employment Protection. IZA Discussion Paper October No 381, 2000, p.19.

бандлик мазкур сегментининг кескин ошишига олиб келиб, иш берувчига ходимга нисбатан кўпроқ эгилувчан сиёсат олиб бориш имкониятини беради.

Шу билан бир вақтда муддатли меҳнат шартномалари иш берувчиларга ишчи кучини ёллаш ва бўшатишнинг қатъий белгиланган тартиби билан боғлиқ қўшимча харажатлардан қутулиш имконини берадиган кетиш чорасинигина ўзида мужассамлаштиради. Муддатли меҳнат шартномаси янгитдан ёлланган ишчиларни ва энг аввало, меҳнат фаолияти тажрибасига эга бўлмаганларни танлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин. Бундай амалиёт вақтинчалик шартнома шароитида ишга қабул қилинган ишчиларнинг катта қисми уни тугатгандан кейин доимий ишчилар тоифасига ўтказиладиган Германияда кенг тарқалган³⁵.

Узоқ муддатли ишсизлик муаммосининг кучайиши, унинг турғун шакллариининг пайдо бўлиши меҳнат бозори тартибга солинувчанлигининг салбий оқибатларига киради. Унинг қатъийлиги ишсизлик таркибий муаммоларининг кучайиши билан ҳам боғлиқ. Бандликни ҳимоялаш тўғрисидаги қатъийроқ қонунчиликка эга бўлган мамлакатларда фаол ёшдаги эркеклар орасидаги ишсизлик (улар ўзининг асосий қисмида “инсайдерлар” ҳисобланадилар) ёшлар ва аёллар орасидагига қараганда анча паст.

Кўпроқ либерал бўлган меҳнат бозорининг афзаллиги яна шунда ҳамки, ишини йўқотганлар ишсизлар қаторида узоқ туриб қолмайди, янги иш жойини тез излайди. Ишдан бўшатиш тўғрисидаги қонунчилик эгилувчанлиги даражаси ва узоқ муддатли ишсизлик улуши ўртасида тўғридан – тўғри боғлиқлик мавжуд. 2000 йилда ишсизлар бу тоифасининг салмоғи (яъни бир йил ва ундан ортиқ вақт давомида ишига эга бўлмаганлар) ишга эга бўлмаган шахслар умумий сонига АҚШ да бор-йўғи 6% ни, айти вақтда Ғарбий Европа мамлакатларида Евроҳудудга кирувчи

³⁵ OECD Employment Outlook. Paris, 1999, p. 71.

аксарият мамлакатларда узоқ муддатли ишсизлик даражаси 45,0%дан юқори. Мисол учун, ушбу кўрсаткич 2011 йилда Ирландияда – 59,4%ни, Италияда – 51,9%ни, Грецияда – 49,6%ни, Португалияда – 48,2%ни, Германияда – 48,0%ни, ташкил этган³⁶.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, бандликни ҳимоялаш либерал тизими юқорироқ мослашувчанлик имкониятларини намоиш этади. Бу қисқа муддатларда ва кам йўқотишлар билан мамлакатда юзага келадиган иқтисодий қийинчиликларни бартараф қилиш имкониятини беради. Тартибга солинувчанлик қаттиқ йўлидан озод қилинган меҳнат бозори миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим омили бўлиб қолади.

2.2. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ривожланган мамлакатлар меҳнат бозорига таъсири ва ундан чиқиш йўллари

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига хос хусусиятлар ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар меҳнат бозорига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу таъсир биринчи навбатда ишсизлик даражаси ва унинг динамикасига тегишлидир. Амалиётда ишсизлик бўйича маълумотларни таҳлил этиш ва ўзаро қиёслаш муаммоси мавжуд. Чунки, расмий статистикада ҳамма ишсизлар тўлиқ рўйхатга олинмайди. Айниқса ушбу муаммо ривожланаётган мамлакатларда жуда долзарб ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатларда инқирозгача бўлган даврда ҳам ишсизликнинг ҳақиқий даражаси юқори эди. Шунинг учун ушбу мамлакатлар бўйича расмий маълумотлар ишсизликнинг реал даражасини эмас, балки унинг динамикасини акс эттиради.

Ривожланган мамлакатлардаги ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатларидаги беқарорлик ҳали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг

³⁶ <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-lt-table-2012-1-en>

салбий таъсирлари давом этаётганлигини кўрсатади. Таҳлиллар кўрсатишича, инқироз узоқ давом этаётганлиги ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражасининг ошишига олиб келмоқда. Бу ҳолатнинг асосий сабаби аҳоли тўлов қобилятининг пасайиши билан боғлиқдир. Инқирозгача бўлган даврда уй хўжаликлари, тадбиркорлар ва давлат қарзларининг ўсиши ҳисобига уларнинг тўлов қобиляти қўллаб-қувватланган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, 2012 йилда 197,3 миллион киши ишсиз бўлиб, дунёдаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг ҳар учинчиси ё ишсиз, ёки қашшоқликда ҳаёт кечирмоқда. 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ишсизлар сони 4,2 миллионга ошган ва бу кўрсаткич 2000 йилдан кейинги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади³⁷.

Таҳлиллар, жаҳон меҳнат бозорида ишсизлик даражасига таъсир этувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради³⁸:

- давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг ишсизлик даражасига таъсири. Жаҳон молия инқироzi ривожланган мамлакатларда аҳолининг харид қобилятига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳол ушбу мамлакатлар иқтисодиётига, жумладан 2000 йилларнинг бошида истеъмол секторидаги юқори талаб кредит экспанцияси натижасида рағбатлантирилган АҚШ иқтисодиётида иқтисодий фаолликнинг пасайишига олиб келди. Глобал бозор шароитида нисбатан паст рақобатбардошли иқтисодиётга эга Ғарбий Европа мамлакатларида эса ишсизлик оммавий тус ола бошлади. Масалан, Испания ва Грецияда ишсизлик даражаси 2012 йилда йигирма фоиздан ошиб (мос равишда 25,0 ва 24,2 %), ишсизларнинг сезиларли қисмини паст малакали ишчилар ташкил этди³⁹;

³⁷ Global employment trends 2013: Recovering from a second jobs dip / International Labour Office. Geneva: ILO, 2013.

³⁸ Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Суверен қарзлар инқироzi”нинг жаҳон меҳнат бозорига таъсири. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва аҳоли бандлигини ошириш йўллари. I-қисм. Тошкент, 2013. 3-12 бетлар.

³⁹ Иванов Н. Мировой кризис и рынок труда. //Мировая экономика и международные отношения, №11, 2011. с. 7.

- иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар. Инқироз шароитида жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши ишлаб чиқарувчиларни тезкор суръатларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг усуллари ва янги технологияларини жорий этишга мажбур этади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллигини оширади ва штатларнинг қисқаришига олиб келади;
- ишлаб чиқаришнинг ишчи кучи арзон мамлакатларга кўчирилиши. Ушбу тажриба амалиётда трансмиллий корпорациялар томонидан кенг қўлланилади.
- иқтисодиётнинг тикланиш суръатларининг пастлиги сабабли меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг ўз иш ўринларини топа олмасликлари. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда ишсиз ёшлар сони 73,8 млн. киши бўлиб, глобал иқтисодий пасайиш оқибатида 2014 йилга бориб уларнинг сафига яна ярим миллион киши қўшилиши башорат қилинмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 2012 йилда 12,6 фоизга қадар ортди ва бу кўрсаткич 2017 йилга бориб 12,9 фоизга етиши кутилмоқда⁴⁰.

Глобал инқирозининг бошланиши билан замонавий иқтисодиётда иш билан банд аҳоли ва ишсизлар ўртасида янги нисбат ва юқори даражадаги ишсизлик вужудга келди. Аслида, бу борадаги аҳвол барча мамлакатларда ҳам бир хилда эмас. Бир томондан, ишсизлик дастлабки инқироз ҳолатларидан кейин жуда секинлик билан пасаймоқда. Бошқа томондан, Японияда, Марказий ва Шимолий Европа мамлакатларида ишсизлик даражаси инқироздан олдинги даражага қайтди. АҚШда ишсизлик даражаси жуда секинлик билан, бироқ барқарор равишда пасайиб бормоқда ва ҳозирги вақтда 7,7 фоизга қадар тушди. Албатта, бу рақамнинг АҚШ иқтисодиёти учун меъёрдаги кўрсаткич ҳисобланган 4-6 фоизга тушишгача ҳали узок, бироқ у энг юқори бўлган 10,1 фоиздан сезиларли даражада фарк

⁴⁰ Global Employment Outlook: Bleak Labour Market Prospects for Youth: ILO, 2013. P. 1.


қилади

Таҳлиллар кўрсатишича, 2008 йилнинг 11 ойида бандлик даражасининг ойига ўртача 137 минг кишига пасайиб бориши 2008–2009 йилларда ишсизлик даражасининг 5% дан 10% гача ортишига олиб келди⁴¹.

АҚШ меҳнат бозори таркибини таҳлил этиш унинг ёш таркибида бундан 15 йил олдин пайдо бўлган қизиқ тенденцияни кузатиш мумкин. Ушбу тенденция 24-54 ёшдаги бандлар сонининг қисқариши, 55 ёшдан катта ёшдаги банд аҳоли (1950 йилларда “бэби-бумерлар” авлоди) сонининг ўсиши кўринишида намоён бўлади. Таҳлиллар 1997-2012 йилларда 24-54 ёшдаги банд аҳоли сонининг жами банд аҳоли сонидagi улушининг 74%дан 66%га қадар қисқаргани, 55 ёшдан катта ёшдаги банд аҳоли улуши эса 12%дан 21,6га қадар ўсганлигини кўрсатмоқда (2.1.1-чизма).

2.1.1-чизма

АҚШда банд аҳоли ёш таркиби, %да⁴²



Шунингдек АҚШда тўлиқсиз иш кунида банд бўлганлар сони ортиб бормоқда. Иш берувчилар иқтисодий ноаниқликлар шароитида ишчиларни тўлиқ бўлмаган иш кунига расмийлаштиришни маъқул кўришмоқда. Таҳлиллар кўрсатишича, 2008 йил январдан бошлаб тўлиқ иш кунида

⁴¹ Economic Report of the President. Washington. 2010. P. 75.

⁴² Economic Report of the President. Washington. 2010. P. 76.

ишловчилар сони 6,0 млн. кишидан 115,7 млн. кишигача қисқариб (-4,9%), тўлиқ бўлмаган иш кунларида банд бўлганлар сони эса 2,5 млн. кишидан 27,5 млн. кишигача ортди (+11,2%).

АҚШда инқироздан кейинги даврда иқтисодиётнинг қайта тикланишида паст ҳақ тўланадиган тармоқлар муҳим ўрин тутди. 2009 йилнинг июлидан бошлаб ушбу тармоқларда банд бўлганлар сони 3,1 млн. кишига ортган.

Дунёнинг етакчи тараққий этган мамлакатларида давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этиш бўйича амалга оширилган инқирозга қарши дастурларга қарамасдан Европанинг айрим мамлакатларида макроиқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Европа Иттифоқи мамлакатларида иқтисодий муаммоларнинг чуқурлашувини аксарият иқтисодчилар инқирознинг иккинчи тўлқини сифатида баҳолашиб, евро худуди ва Европа Иттифоқининг парчаланиб кетишини башорат қилишмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2011-2012 йилларда Европа Иттифоқи мамлакатларида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат марказида Греция, Италия, Испания, Ирландия, Португалия бюджет камомади ва давлат қарзи ҳажмининг ортиши билан боғлиқ муаммолар ўрин олди. S&P мутахассисларининг ҳисоб-китобларига кўра кўра Европа корпорациялари 2015 йилга қадар 4 трлн. доллар миқдорида қарзларни қайтаришлари лозим, Португалия, Ирландия, Греция ва Испания 2015 йилга қадар 439 млрд. долл., Италия эса 779 млрд. доллар миқдорида суверен қарзларни сўндириши зарур⁴³.

Еврохудудга кирмаган Буюк Британия, Дания, Швеция мамлакатларининг марказий банклари арзон кредитлар бериш сиёсатини амалга ошириб миллий банкларни ёмон ва непрофил активларини сотиб олиб, уларни қўллаб-қувватламоқдалар. Еврохудуддаги Германия, Франция,

⁴³ www.vedomosti.ru/finance/news/1483073/prizrak_velikoj_depressii

Бельгия, Нидерландия каби мамлакатларнинг банклари Европа марказий банки томонидан 2012 йилда кўрсатилган иқтисодий ёрдамдан самарали фойдаландилар. Бироқ, евроҳудудга кирган мамлакатлар ўртасида тузилган бюджет ва солиқ иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг йўқлиги Европа Марказий банки томонидан тижорат банкларини қўллаб-қувватлашга қаратилган таъсирчан чора-тадбирларни амалга ошириш сиёсатини чеклаб қўймоқда.

Аксарият мамлакатларда инвестициялар инқироздан олдинги даражада қайта тиклангани йўқ. Жаҳондаги ривожланган мамлакатлар молиявий инқирознинг маркази ҳисобланиб, энг кўп зарар кўрганлар қаторида бўлди. Инқироз бошланганидан буён ишсизлик умумий ўсишининг ярми – 28 миллион кишилик ишсизлар сони айнан шу мамлакатларга тўғри келмоқда. Айни пайтда ривожланаётган мамлакатлар ривожланган мамлакатларга қараганда икки баробар кўп зарар кўрди. Агар ривожланган мамлакатлар 2012 йилда 1 миллионга яқин иш ўринларини йўқотган бўлса, бошқа минтақаларда қарийб 3 миллионга иш ўрни йўқотилди. Айниқса, Шарқий ва Жанубий Осиё давлатлари, шунингдек, Африка мамлакатлари ишсизликдан кучли зарар кўрди.

Бу борада энг оғир аҳвол Европа жанубида – Греция, Испания, Португалия ва Италияда кузатилиб, ишсизлик даражаси 25 фоизга, ёшлар ўртасида эса 50 фоизга етмоқда. Энг ёмони, ишсизлик тобора сурункали тус олиб бормоқда, яъни одамлар ойлаб, йиллаб иш тополмасдан қийналмоқда. Бу эса табиий ҳолда аҳоли ўртасида ижтимоий норозиликларнинг ортишига олиб келмоқда. Бундай хатоларга қарши курашнинг ягона усули – дастлаб иқтисодиётни давлатнинг рағбатлантириш дастурлари ҳамда айни вақтда таркибий ўзгартиришлар орқали жонлантириб олиш ҳисобланади.

Рағбатлантириш дастурлари таркибий ислохотларни амалга ошириш даврида вақтинча “оғриқни пасайтирадиган” восита бўлиб хизмат қилади⁴⁴.

Таҳлиллар, “Суверен қарзлар инқироzi” Евроҳудуд мамлакатларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатиб, ишсизлик муаммосининг янада чуқурлашувига олиб келаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, 2008-2012 йилларда евроҳудудга кирувчи мамлакатларда (Грециядан ташқари) жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши кураш чоралари самараси ўлароқ 2008-2010 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ошган бўлса-да, инқирознинг иккинчи тўлқини сифатида баҳоланаётган “суверен қарзлар инқироzi” таъсирида ушбу кўрсаткич барча мамлакатларда пасайиш тенденциясига эга бўлди (2.1.1-жадвал).

2.2.1-жадвал

Европа Иттифоқи мамлакатларида ЯИМ ва ишсизлик динамикаси⁴⁵

	ЯИМ индекси, %					Иқтисодий фаол аҳоли таркибида ишсизлар улуши, %				
	2008	2009	2010	2011	2012	2008	2009	2010	2011	2012
Жаҳон	2,8	-0,6	5,3	3,9	3,2	5,6	6,2	6,0	5,9	5,9
Шу жумладан:										
Ривожланган мамлакатлар	0,0	-3,9	3,2	1,6	1,8	5,8	8,0	8,3	7,9	8,0
АҚШ	-0,3	-3,1	2,4	1,8	2,2	5,8	9,3	9,6	9,0	8,1
Евроҳудуд	0,4	-4,3	1,9	1,4	-0,6	7,7	9,6	10,1	10,1	11,4
Франция	-0,2	-2,6	1,4	1,7	0,0	7,8	9,5	9,8	9,7	10,2
Германия	0,8	-5,1	3,6	3,1	0,9	7,6	7,7	7,1	6,0	5,5
Греция	-0,1	-3,3	-3,5	-6,9	-6,4	7,7	9,4	12,5	17,3	24,2
Ирландия	-3,0	-7,0	-0,7	0,7	0,9	6,3	11,8	13,6	14,4	14,7
Италия	-1,2	-5,5	1,8	0,4	-2,4	6,8	7,8	8,4	8,4	10,6
Португалия	0,0	-2,9	1,4	-1,5	-3,2	7,6	9,5	10,8	12,7	15,7
Испания	0,9	-3,7	-0,1	0,7	-1,4	11,3	18,0	20,1	21,6	25,0
Япония	-1,0	-5,5	4,4	-0,7	2,0	4,0	5,1	5,1	4,5	4,4
Буюк Британия	-1,1	-4,4	2,1	0,7	0,2	5,6	7,5	7,9	8,0	8,0
Канада	0,7	-2,8	3,2	2,5	1,8	6,2	8,3	8,0	7,5	7,3

⁴⁴Королева А. Работы все меньше // <http://expert.ru/2013/01/23/raboty-vse-menshe/>

⁴⁵ Global Employment Outlook: Bleak Labour Market Prospects for Youth: ILO, 2013. P. 134; World Economic outlook April 2012. Growth Resuming, Dangers Remain. Washington, 2012. P. 191; World Economic outlook April 2013. Hopes, Realities, Risks. Washington, 2012. P. 149-151.

Ушбу тенденцияни ишсизлик даражасининг динамикаси ҳам ьтасдиқлаб турибди. Мисол учун, 2012 йилда еврохудудда 2011 йилга нисбатан ишсизлик даражаси 1%га ошиб иқтисодий фаол аҳолига нисбатан 11,4%га етди. Еврохудудда ишсизлик даражаси “суверен қарзлар инқироzi” чуқур кечаётган мамлакатлар – Испания (25,0%), Грецияда (24,2), Португалия (15,7%) ва Ирландияда (14,7) юқори ҳисобланади. Ушбу мамлакатларда ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси юқорилигича қолмоқда. Мисол учун, 2004-2011 йилларда ривожланган мамлакатларда ўртача 13,7%дан 16,2%га қадар ошган бўлса, ушбу кўрсаткич Испанияда 22,0%дан 46,4%гача, Грецияда 26,9%дан 44,4%гача, Ирландия 9,3%дан 30,3%гача ва Португалияда 15,3%дан 30,1%гача ўсган⁴⁶.

Худуднинг Австрия, Германия, Люксембург ва Нидерландия каби мамлакатларида ишсизлик даражаси 5,0% атрофида қайд этилган. Японияда ишсизлик даражаси 2008-2012 йилларда 5,0% даражасидан пастга тушди. АҚШда ишсизлик даражаси 2012 йилда 8,0%ни ташкил этди. Шу билан бир вақтда ривожланган мамлакатларда узок муддатли ишсизлик даражаси умумий ишсизлар сонига 35%дан ошиб 17 млн. кишини ташкил этди. Узок муддатли ишсизлик одатда, ишсиз қолганлар ва иқтисодиётга жиддий салбий таъсир кўрсатади⁴⁷.

Истиқболда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида бозор конъюнктураси ўзгаришларига нисбатан барқарор иш ўринларини яратиш сиёсати устувор бўлиши зарур. Агар ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари тикланмас экан, бандлик даражаси ХВФ мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра инқирозгача бўлган энг юқори даражасига 2016 йилдагина эришиши мумкин.

Японияда ишсизлик даражаси жаҳон молиявий инқироzi таъсирида 2009 йилда 5,7% га етди, бу кўрсаткич халқаро даражадан паст бўлса-да, Япония

⁴⁶ <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-yth-table-2012-1-en>

⁴⁷ <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-lt-table-2012-1-en>

учун жуда юқори ҳисобланади. Ишдан асосан меҳнат шартномалари тугаётган, вақтинчалик ва тўлиқсиз иш кунда ишлаётганлар бўшатилади. Кенг миқёсда ишдан бўшатишлар эса завод ва фабрикалар ёпилган вақтда юз берди, аммо компаниялар давлатнинг бандликни сақлаб қолиш учун ажратган мақсадли субсидияларидан фойдаланган ҳолда доимий ишчиларини ишдан бўшатмасликка ҳаракат қилишмоқда.

Молиявий инқироз шароитида ишсизлик муаммосини турли халқаро молия институтлари турлича ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатлари ишсизлик муаммосини ҳал этишда қуйидаги уч омилга жиддий урғу бермоқдалар: профессионал тайёргарликни яхшилаш, кичик ва ўрта корхоналарга имтиёзли кредитлар бериш ва Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида ёшлар мобиллигини ошириш. 2015 йилгача бўлган муддатда ишсизлик муаммосини ҳал этиш ва янги иш жойларини очиш учун 120 млрд. евро миқдорида инвестиция сарфлаш режалаштирилган ҳамда кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш учун имтиёзли кредитларнинг махсус дастурини молиялаштириш учун 60 млрд. евро ажратиш мўлжалланган. Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш учун Еврокомиссия томонидан Испания, Франция, Польша ва Словениянинг давлат бюджети тақчиллигини Маастрихт шартномаси талабларига мувофиқлаштиришни (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3%) кечиктириш учун икки йил, Нидерландия ва Португалияга эса бир йил муддат берилди.

Европада ишсизликка қарши курашдаги инқироз ҳолатини ҳал этишнинг асосий стратегияси таълим тизимини ислоҳ этиш ҳисобланади. Еврокомиссия раиси Жозе Маннуэл Баррозу фикрича, Европа Иттифоқи мамлакатлари учун 2013-2014 йилларга мўлжалланган рақобатбардошликни ошириш ва иш жойларини яратишга қаратилган тавсиялар қабул қилиш зарур. Ушбу тавсияларда доимий ишсизликка қарши кураш ва Европа Иттифоқи мамлакатлари иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш устуворлик қилади. Ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг асосий усули

сифатида таълим тизимини ислоҳ этишга, жумладан, талабаларга таълим беришда иш берувчилар учун зарур бўлган касбий кўникмаларни шакллантиришга устуворлик ва жиддий эътибор қаратиш лозим.

Жаҳон банки давлат томонидан меҳнат бозорини тартибга солишга нисбатан глобализация ва локализацияга устуворлик бериш лозим, деб таъкидлайди. Жаҳон банки мутахассислари фикрича, бандликни ошириш масаласида ёндашувни ўзгартириш зарур. Меҳнат бозорини тартибга солиш чегараланган самара бергани учун макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва халқаро кооперацион алоқаларни ривожлантиришга устуворлик бериш лозим. 2020 йилга бориб дунёда 600 млн. иш ўринларини яратиш керак бўлади. Ҳозирда эса жаҳонда ишсизлар сони 200 млн. кишидан ортиқ бўлгани ҳолда иқтисодий нофаол аҳоли сони 2 млрд. кишидан ошиқроқдир.

Жаҳон банки мутахассислари фикрича, ташқи ёрдам иш жойларини яратишда фойдали, аммо унинг самарадорлиги қўллаб-қувватлаш ҳажмини ортиб боргани сари пасаяди. Шунинг учун макроиқтисодий барқарорликка эришиш бандликни оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Бандлик мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида марказий ўринни эгаллайди (ялпи ички маҳсулотнинг 1%га камайиши ишсизликнинг АҚШда 0,45%га ва Испанияда 0,85%га ортишига олиб келади). Янги иш жойларини яратиш учун Жаҳон банки экспорт тармоқларини қўллаб-қувватлаш учун реал валюта алмашув курсининг фундаментал мувозанатдан фарқланишига йўл қўймасликни, молиялаштириш манбалари ва инфратузилмага кириш қулайлигини яхшилашни тавсия этади. Жаҳон банки юқоридаги глобал тавсиялар билан бир қаторда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда локал рецептларни ҳам тавсия этади. Масалан, экспортга боғлиқ бўлган иқтисодиётларда глобал бозорлар билан боғлиқ бўлмаган секторларда бандликни кўпайтиришга урғу бериб, меҳнат бозорини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарур эмас, деб ҳисоблайди.

Жумладан, ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси юқори бўлган Европа Иттифоқига ўхшаш мамлакатларда иш ўринларини рента ҳисобидан эмас, балки номзодларга бир хил шароит яратиш ҳисобига таъминлаш лозим, деб ҳисоблайди. Аҳолиси қариб бораётган мамлакатларга эса Жаҳон банки юқори малакали бандликни, яъни ишловчиларни меҳнат процесси жараёнида узоқ вақт қолиш имконини берадиган бандликни таъминлашни тавсия этади.

Инқирозга қарши қабул қилинган чора-тадбирлар дастурлари бандликни қўллаб-қувватлаш – ҳукумат томонидан бандлик даражасини сақлаб қолаётган, ишга ногиронларни қабул қилаётган штатдан ташқари ишлаётганларни штатга қабул қилаётган компанияларни молиявий рағбатлантириш тизимининг жорий қилиниши, қисқартиришга тушиб қолган ишчиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, уй-жой ижараси ва янги иш ўрнини қидириш харажатлари учун кредитлар бериш каби чора-тадбирлардан иборат.

Истиқболда ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий сиёсатида бозор конъюнктураси ўзгаришларига нисбатан барқарор иш ўринларини яратиш сиёсати устувор бўлиши зарур. Агар ривожланган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари тикланмас экан, бандлик даражаси ХВФ мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра инқирозгача бўлган энг юқори даражасига 2016 йилдагина эришиши мумкин.

2.3. Ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бандликни ошириш сиёсати

Ривожланаётган мамлакатларда ишсизликни камайтириш ва бандликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар бир-биридан фарқ қилади. Ушбу мамлакатларда иқтисодий ривожланиш даражаси, институционал салоҳияти, ресурслари ва демографик ҳолати бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаб

берувчи омиллар ҳисобланади. Уларни ушбу омиллар бўйича гуруҳларга ажратиш мумкин. Иқтисодий ривожланиш борасида муаммоларга дуч келаётган мамлакатларни аграр мамлакатлар, урбанизация жараёни жадал кечаётган мамлакатлар, давлат сектори устун мамлакатлар, аҳолиси қариб бораётган мамлакатлар мисолида таҳлил этиш мумкин.

2.3.1-жадвал


Иқтисодий ривожланишга кўмаклашувчи иш ўринларининг турлари⁴⁸

Бандлик соҳасидаги муаммолар	Бандликнинг қайси тури иқтисодий ривожланишга олиб келади?
Аграр мамлакатлар	Нисбатан унумдорлиги юқори майда деҳқон хўжаликлари
	Глобал бозорлар билан боғлиқ шаҳарларда иш ўринлари
Урушлар кечаётган мамлакатлар	Қочоқларни реинтеграциялашга йўналтирилган иш ўринлари
	Муқобил иш ўринлари
Урбанизация жараёни жадал кечаётган мамлакатлар	Аёлларга имконият яратиб берадиган иш ўринлари
	Экспортга йўналтирилган тармоқларни ривожлантириш
	Шаҳарлар аҳолисининг кўпайиб кетишига олиб келмайдиган иш ўринлари
	Қишлоқ жойлардан келганлар интеграциясини таъминлай оладиган иш ўринлари
Табиий ресурсларга бой мамлакатлар	Экспортнинг диверсификациялашувига олиб келадиган иш ўринлари
	Трансфертлар ҳисобидан субсидиялаштирилмайдиган иш ўринлари
Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси юқори мамлакатлар	Рента ундириш ҳисобидан қўллаб-қувватланмайдиган иш ўринлари
	Шахсий алоқалар асосида тақдим этиладиган иш ўринлари
Расмий сектор кенгаётган мамлакатлар	Ижтимоий имтиёзлар берадиган иш ўринлари
	Ижтимоий ҳимоя чораларини камраб олишда муаммолар туғдирмайдиган иш ўринлари
Аҳолиси қариб бораётган мамлакатлар	Малакали ишчиларга узоқ вақт иқтисодий фаолликни сақлаб қолиш имконини берувчи иш ўринлари
	Қарияларга кўрсатиладиган хизматлар учун харажатларни пасайтирадиган иш ўринлари

Жаҳон банки мутахассисларининг фикрича, ривожланаётган мамлакатларда ҳар бир гуруҳ мамлакатда иқтисодий ривожланишга кўмаклашувчи иш ўринларини яратиш зарур. Мисол учун, аграр

⁴⁸ Доклад о мировом развитии 2013. Занятость. Обзор. Вашингтон, 2013. С. 20.

мамлакатларга нисбатан унумдорлиги юқори майда деҳқон хўжаликларини яратиш, глобал бозорлар билан боғлиқ шаҳарларда иш ўринларини кўпайтириш тавсия этилса, аҳолиси қариб бораётган мамлакатлар учун малакали ишчиларга узоқ вақт иқтисодий фаолликни сақлаб қолиш имконини берувчи ва қарияларга кўрсатиладиган хизматлар учун харажатларни пасайтирадиган иш ўринларини яратиш тавсия этилади (2.3.1-жадвал).




2.3.1-расм. Иқтисодий ривожланишни таъминлашга йўналтирилган иш ўринлари⁴⁹

Бундан ташқари ривожланаётган мамлакатлар бандлик сиёсатида бандликнинг бевосита иқтисодий ривожланишга таъсирини эътиборга олиш зарур. Чунки, бандлик иқтисодий ривожланишга қуйидаги уч йўналиш бўйича таъсир кўрсатиши мумкин. Биринчидан, иш ўринларини сақлаб қолиш давлат трансфертлари ёки бошқа кишиларни ишга жойлаштириш

⁴⁹ Доклад о мировом развитии 2013. Занятость. Обзор. Вашингтон, 2013. С. 17.

имкониятини камайтиришга олиб келладиган чекловчи меъёрлар доирасида таъминланган иш ўринлари бевосита бошқа кишиларнинг иш ҳақиға таъсир кўрсатади. Шу билан бирга уй хўжаликларида аёллар ҳуқуқи ва имкониятлари билан боғлиқ масалаларда ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган иш ўринлари, камбағалликни камайтиришга қаратилган ва ижтимоий адолатни таъминлашга ёўналтирилган иш ўринларини яратиш эса ижобий оқибатларга олиб келиши мумкин (2.3.1-расм).

Ривожланаётган мамлакатлар меҳнат бозори таҳлиллари ушбу мамлакатларда асосий муаммо ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилиги билан изоҳланади. Жаҳон меҳнат бозорида ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилиги айрим минтақаларда салбий ижтимоий оқибатларни вужудга келтирмоқда. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумаотларига кўра 2012 йилда ишсиз ёшлар сони 73,8 млн. киши бўлиб, глобал иқтисодий пасайиш оқибатида 2014 йилга бориб уларнинг сафига яна ярим миллион киши қўшилиши башорат қилинмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 2012 йилда 12,6 фоизга қадар ортди ва бу кўрсаткич 2017 йилга бориб 12,9 фоизга етиши кутилмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражасининг юқорилиги дунёнинг айрим минтақаларида жиддий ижтимоий муаммолар, тўқнашувларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақаларида ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 2013-2017 йилларда ўртача 26-28 фоизни ташкил этилиш башорат қилинмоқда (2.3.2-расм).



2.3.2-расм. Жаҳонда ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси, %⁵⁰

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз ёшлар учун истиқболли иш ўринлар сонининг кескин қисқариб кетишига ва ёшлар узок муддатли ишсизликнинг вужудга келишига олиб келмоқда. Бу ҳолат иқтисодий циклик пасайишларнинг олдинги босқичларида кузатилмаган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2012 йилда ривожланган мамлакатларда ёшларнинг 35 фоизи 6 ой ва ундан узок муддат ишсиз ҳисобланган, ҳолбуки ушбу кўрсаткич 2007 йилда 28,5 фоизни ташкил этган. Ишсизлик муаммоси Европа мамлакатларида жиддий тус олмоқда ва 2012 йилда ушбу мамлакатларда ёшларнинг 12,7 фоизи ишсиз бўлиб, бу кўрсаткич инқироздан олдинги давр кўрсаткичига нисбатан деярли 2 пунктга юқоридир⁵¹. Узок муддатли ишсизлик ёшларнинг истиқболда билим ва малакаларига муносиб иш топишларида жиддий муаммолар туғдирмоқда. Натижада аксарият ёшлар меҳнат бозорини тарк этишмоқда.

⁵⁰ Global Employment Outlook: Bleak Labour Market Prospects for Youth: ILO, 2013. P. 1.

⁵¹ Ўша манба.

Халқаро ташкилотлар ёшлар ўртасида бандликни ошириш борасида турли тавсиялар беришмоқда. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти қуйидаги йўналишлар бўйича ёшлар ўртасида ишсизлик даражасини пасайтириш мумкин, деб ҳисоблайди.

Ёшларнинг меҳнат қобилиятини ошириш. Ушбу сиёсат меҳнат бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги номувофиқликларни таълим, малака ошириш ва иш берувчиларнинг ўзаро ижтимоий музокараларини ривожлантириш орқали бартараф этиш; ишлаб чиқариш жараёнида ўқитиш билан биргаликда техник касбий кўникма ва малака оширишни ривожлантириш; мактаб таълимини ташлаб кетаётган ўқувчиларни олдиндан аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш, уларни таълим олишни давом эттиришларини рағбатлантириш ёки бошқа иш билан таъмилаш, касбга ўқитиш ёки малакасини ошириш имкониятларини кенгайтириш; мактаб дарс жадвалига тўғри келадиган ишларни топишга кўмаклашиш; ёшларни меҳнат таъминоти бўйича ахборот ресурслари билан таъминлаш тизимини ривожлантириш; ёшларни иш билан таъминлашни кафолатлаш дастурларини ишлаб чиқиш каби чора-тадбирларни қамраб олиши зарур.

Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш. Бу сиёсат ёшларни барқарор микро, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, кооперативлар ва ижтимоий ташкилотларни ташкил этиш, бошқариш ва ушбу корхоналарни субсидиялашган кредитлар, имтиёзли микрокредитлар ёрдамида молиялаштиришга қаратилган бўлиши керак.

Ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш. Мазкур сиёсат ёшлар учун тенг ҳуқуқли меҳнат шароитларини яратиш асосида халқаро меҳнат стандартларига жавоб берувчи меҳнат сиёсатини юритиш; ёш ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни муносиб, барқарор меҳнат билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялашни қўллаб-қувватловчи уюшмаларни ташкил этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

II-боб бўйича хулосалар

1. Бандлик сиёсатини олиб боришнинг жаҳон тажрибаси тараққий этган мамлакатларда бу сиёсатининг қуйидаги уч моделини ажратиш имконини беради: Шимолий Америка, Европа ва Шарқий Осиё. Америка модели иқтисодий фаол аҳолининг сезиларли қисми учун юқори меҳнат унумдорлиги талаб қилинмайдиган ишчи ўринларини яратишни назарда тутса, Европа модели меҳнат унумдорлигини ошириш орқали бандликни қисқартириш, натижада ишчилар даромадини оширишни кўзда тутди. Япон моделида эса давлат асосий эътиборни узлуксиз касбий тайёргарлик орқали ишчи кучининг малакасини оширишга қаратади. Япон моделига меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шакллари миллий анъаналар билан уйғунлаштириш хусусияти ҳам хос бўлгани учун ушбу модел иерархик корпоративизм, деб ҳам аталади.

2. Таҳлиллар, жаҳон меҳнат бозорида ишсизлик даражасига таъсир этувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради:

- давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг ишсизлик даражасига салбий таъсири - бу ҳол ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг пасайишига олиб келди. Ғарбий Европа мамлакатларида эса ишсизлик оммавий тус ола бошлади. Масалан, Испания ва Грецияда ишсизлик даражаси 2012 йилда йигирма фоиздан ошиб (мос равишда 25,0 ва 24,2 %), ишсизларнинг сезиларли қисмини паст малакали ишчилар ташкил этди;

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти - инқироз шароитида жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши ишлаб чиқарувчиларни тезкор суръатларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг усуллари ва янги технологияларини жорий этишга мажбур этади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллигини оширади ва штатларнинг қисқаришига олиб келади;

- ишлаб чиқаришнинг ишчи кучи арзон мамлакатларга кўчирилиши - ушбу тажриба амалиётда трансмиллий корпорациялар томонидан кенг қўлланилади;
- иқтисодиётнинг тикланиш суръатларининг пастлиги сабабли меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг ўз иш ўринларини топа олмасликлари.

III–БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИШСИЗЛИК МУАММОЛАРИ ВА БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎЛЛАРИ

3.1. Ўзбекистон меҳнат бозори ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини баҳолаш

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий–иқтисодий ривожланишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги мавжуд ва меҳнат бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу сабабли Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб–қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони ва меҳнат ресурслари таркиби динамикаси (минг киши ҳисобида)⁵²

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2008	2009	2010	2011	2012
Аҳоли сони	27072,2	28001,4	29123,4	29555,4	29994,6
Меҳнат ресурслари сони	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	17663,1
<i>шундан:</i>					
Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар	15458,7	15872,7	16263,6	17156,8	17550,2
Ишлаётган ўсмирлар ва пензионерлар сони	186,2	250,9	240,6	153,0	112,9

⁵²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган

Таҳлиллар мамлакатимизда аҳолининг 60 фоизга яқинини меҳнат ресурслари ташкил этиши, аҳоли ва меҳнат ресурслари сони мунтазам кўпайиб бораётганини кўрсатмоқда. 2008-2012 йилларда мамлакатимизда аҳоли сони - 10,8 фоизга меҳнат ресурслари сони - 12,9 фоизга ўсган. Бу даврда аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши 57,8 фоиздан 58,9 фоизга ошган (3.1.1-жадвал).

Таҳлилларнинг кўрсатишича, меҳнат ресурслари таркибида меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар сони 13,5 фоизга ўсган, аксинча ишлаётган ўсмир ва пенсионерлар сони эса 39,4 фоизга камайган. Мазкур ҳолат меҳнат бозорига демографик омилнинг сезиларли ва бевосита таъсири билан боғлиқ. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5-99 фоиз қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳолидан ташкил топса, қолган 1,0-1,5 фоиз қисми ишлаётган ўсмир ва пенсионерлардан иборат.

Юртимизда мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилган:

- қишлоқ хўжалигидан ташқари тармоқларда янги иш жойларини яратиш;
- меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш ва қайта таъмирлаш;
- ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни жалб қилиш;
- янги ерларни ўзлаштириш;
- қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти кўламини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- аҳоли бандлигининг янги шаклларни жорий этиш ва ўзиниўзи иш билан таъминлашни рағбатлантириш;
- ишсизларни касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш.

Бозор ислохотлари шароитида меҳнат ресурсларининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммолари долзарб аҳамият касб этади. Чунки меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш орқалигина ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш мумкин. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлабгина қолмасдан, энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида мукамал меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахсларни тўла ҳисобга олиш ғоят муҳим аҳамият касб этади.⁵³

3.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)⁵⁴


Худудлар	Й и л л а р					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпоғистон Республикаси	561,1	566,1	580,8	590,0	600,2	39,1	107,0
<i>вилоятлар:</i>							
Андижон	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	1176,4	129,1	112,3
Бухоро	729,1	748,5	768,1	784,7	804,5	75,4	110,3
Жиззах	360,6	396,6	381,6	392,4	403,0	42,4	111,8
Қашқадарё	908,7	934,9	971,7	1003,8	1036,6	127,9	114,1
Навоий	396,7	404,6	408,0	413,4	418,6	21,9	105,5
Наманган	763,3	790,1	815,3	841,7	872,2	108,9	114,3
Самарқанд	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	1314,5	162,5	114,1
Сирдарё	304,1	318,9	320,0	327,5	334,8	30,7	110,1
Сурхондарё	722,5	744,6	784,5	817,8	843,0	120,5	116,7
Тошкент	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	1215,5	118	110,8
Фарғона	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	1398,8	118,7	109,3
Хоразм	571,1	583,0	606,7	625,2	643,4	72,3	112,7
Тошкент ш.	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	1162,3	21,5	101,9
Мамлакатимиз бўйича	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	12223,8	1188,4	110,8

⁵³ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 264-б.

⁵⁴ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаол аҳоли таркибида иш билан банд аҳоли сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора–тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди. Бундай ўсиш тенденцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос хусусиятга айланмоқда (3.1.2-жадвал).

2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1188,4 минг кишига ёки 10,8 фоизга ўсган. Олиб борилган таҳлиллар барча ҳудудларда иш билан банд аҳоли сонининг ортганини кўрсатди. Жумладан, ўтган 5 йил давомида банд аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон (12,3 фоиз), Жиззах (11,8 фоиз), Қашқадарё (14,1 фоиз), Наманган (14,3 фоиз), Самарқанд (14,1 фоиз), Сурхондарё (16,7 фоиз) ва Хоразм вилоятларида (12,7 фоиз) мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.



3.1.1-расм. Ўзбекистон Республикасида иш билан бандлик таркибининг тақсимоти, минг киши⁵⁵

⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда минглаб янги иш ўринларини яратишга эътибор қаратилгани боис аҳолининг бандлик даражаси йил сайин ортиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 95,1 фоизни ташкил этмоқда.

Меҳнат ресурслари балансига кўра, иш билан банд аҳоли таркиби иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар, иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслардан иборат. Статистик маълумотларга кўра, юқоридаги уч тоифадаги банд бўлган аҳоли сони ортиб бормоқда (3.1.1-расм).

3.1.1-расмдан кўриниб турибдики, 2008-2012 йиллар давомида иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар сони – 15 фоизга, норасмий секторда банд бўлганлар сони – 3,7 фоизга, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони эса 4,8 фоизга кўпайган. Бироқ олиб борилган таҳлиллар иш билан банд бўлганлар таркибида ўзгаришлар юз берганини кўрсатади. Хусусан, 2012 йилда иқтисодиётнинг расмий секторида банд бўлганлар улуши 62,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу рақам 64,6 фоизга етган ёки 2,4 бандга ортган. Ваҳоланки, бу даврда иқтисодиётнинг норасмий секторида банд бўлганлар улушининг 34,9 фоиздан 32,7 фоизга, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар улушининг эса 2,9 фоиздан 2,7 фоизга камайганини кўришимиз мумкин.

3.2. Ўзбекистонда бандликни таъминлашнинг мақсадли дастурлари ва амалга ошириш йўналишлари

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли бандлигини ошириш, янги иш ўринларини яратиш иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Бу борада мунтазам ҳукумат томонидан бандликни таъминлашнинг мақсадли дастурлари ишлаб чиқилади ва ҳаётга тадбиқ этиб келинади. Жумладан, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, 967,4 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Амалда эса 973,5 мингта иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 0,6 фоизга ортиғи билан бажарилди.

3.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида яратилган иш ўринлари сони динамикаси (бирлик)⁵⁶

Худудлар	Й и л л а р				
	2008	2009	2010	2011	2012
Қорақалпоғистон Республикаси	28602	48064	48118	48362	49 478
<i>вилоятлар:</i>					
Андижон	55670	77889	77902	78292	78 364
Бухоро	54266	72904	72998	73363	73 370
Жиззах	29566	43297	43317	43515	43 858
Қашқадарё	59191	85734	86444	86890	88 335
Навоий	30139	39870	40321	40596	40 849
Наманган	49672	70762	71039	71778	74 984
Самарқанд	63570	91712	92020	92700	93 427
Сурхондарё	44296	63686	63706	64644	65 615
Сирдарё	28660	37899	37920	38623	39 852
Тошкент	52719	85333	85500	86000	86 500
Фарғона	63286	90050	91173	91246	91 805
Хоразм	37110	59192	59182	59575	59 774
Тошкент ш.	64159	74140	80361	80663	81 253
Ўзбекистон бўйича	660906	940532	950001	956247	973 497

⁵⁶Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

Мамлакатимизда янги иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилмоқда.

3.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони, бирлик⁵⁷

Т/р	Йўналишлар	Йиллар		
		2010	2011	2012
	Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950 001	956 247	973 497
	шу жумладан:			
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56 316	57469	58 631
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш	347 408	365888	484 954
	шундан:			
2.1.	саноатда	52 882	54941	55921
2.2.	қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй- жой қурилиши ва таъмирлаш	43 632	43863	43988
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177	111871	117180
4.	Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш,	207 972	216165	218 560
4.1.	шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначиликни ташкил этиш	62 518	55357	-
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	127 732	122399	123 622
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320	72850	72994
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8 889	9605	13594
8.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	11 187	-	-

Юртимиз ҳудудларида иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. 2008-2012 йиллар

⁵⁷Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

давомида мамлакатимизда яратилган иш ўринлари сони 312,6 мингтага ёки ўтган 5 йилда 47,3 фоизга кўпайган. Иш ўринларининг бундай ўсиш тенденцияси барча ҳудудларга ҳам хос бўлган. Айниқса, ишсизлик даражаси юқори бўлган (6,4 фоиз) Қорақалпоғистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони 73 фоизга кўпайганини алоҳида қайд этиш лозим (3.2.1-жадвал).

2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларининг амалга оширилиши натижасида иш билан таъминланишга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудларда, хусусан, Фарғона (75,5 минг иш ўрни), Самарқанд (74,7 минг), Қашқадарё (69,8 минг), Тошкент (68,4 минг), Андижон (62,8 минг), Наманган (59,3 минг), Бухоро (59,1 минг), Сурхондарё (51,9 минг) ва Хоразм (47 минг) вилоятларида иш ўринлари кўпайди.

3.2.2-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар юртимизда ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан яратилганидан далолат беради.

Айтиш жоизки, 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг қуйидаги асосий йўналишлари бўйича аниқ чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тасдиқланган прогноз параметрларининг бажарилишига кўмаклашди:

а) 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурнинг, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларининг, 2012 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурининг, 2011-2013 йилларда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг, ижтимоий-иқтисодий ва индустриал ривожланиш бўйича ҳудудий дастурларнинг, ҳудудий инвестиция дастурларининг амалга оширилишини давом эттириш 45,6 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини берди.

Юқорида қайд этилган дастурлар доирасида инвестицион лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш ва шунга мувофиқ равишда яратилаётган иш ўринларининг кўпайишига саноат корхоналарига берилган имтиёз ва преференциялар, яъни мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган қурилмалар, материал ва бутловчи қисмлар учун 2016 йилнинг 1 январига қадар божхона тўловларидан озод қилиш, саноатнинг базавий соҳаларидаги инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳагача ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун имтиёзли кредитлар олиш, инвестиция лойиҳалари бўйича «тайёр ҳолда топшириш» шартномалари асосида техник иқтисодий асослари тасдиқланадиган бир босқичли тартибда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга доир имтиёз ва преференцияларнинг берилгани ва бошқалар жиддий таъсир кўрсатди;

б) кичик бизнесни жадал ривожлантириш учун имтиёзли солиқ имкониятлари яратилишини таъминлаш сиёсати амалга оширилишининг давом эттирилиши, хусусан, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб саноат соҳасидаги микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши кичик бизнес субъектларининг бўшаб қолган маблағларини ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришга йўналтириш имконини берди, бу эса 281 мингта иш ўрни, яқка тадбиркорликда 88 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Кредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлашнинг кенгайтирилиши тадбиркорлик субъектларининг иш ўринлари ташкил қилиш бўйича молиявий имкониятларини сезиларли даражада оширди. 2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 4,2 триллион сўмни ташкил этди, бу эса 2011 йилнинг шу даври прогноз параметрларига нисбатан 12 фоиз кўп демакдир.

Кичик бизнес соҳасида яратилаётган иш ўринларининг салмоқли қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси улушига тўғри келади. Кўп ҳолларда

аҳолининг кўпайиши натижасида меҳнат бозорида юзага келган юқори демографик босимга қарамасдан, кичик бизнеснинг жадал ривожланиши туфайли банд бўлган аҳоли сонининг жадал суръатларда ошиб боришини таъминлашга эришилди, бунда мамлакатимиз умумий аҳолиси сонига нисбатан банд бўлганлар салмоғи ҳам кўпайди;

в) ҳуқуқий ва норматив базанинг яратилиши, касаначиликнинг барча турларини, авваламбор, корхоналар билан ҳамкорликдаги меҳнат шартномалари асосидаги касаначиликни, ҳунармандчилик, шунингдек, қорамол боқиш ва уйда турли хизматлар кўрсатишга асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш 183,4 минг нафар шахсни ишга жойлаштириш имконини берди.

Ўтган даврда 8 мингдан ортиқ саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш корхоналари касаначилар билан ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларига киришди, бу корхоналар касаначилар билан меҳнат шартномалари асосида бирлашиб, 51,6 минг киши банд бўлишини таъминлади.

Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликнинг ривожлантирилишини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар 131,8 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини берди;

г) қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигини сезиларли равишда ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш ҳажмини кўпайтириш, хусусан, сўнгги уч йил ичида 540 дан зиёд янги корхонанинг ишга туширилиши, 152 та янги маҳсулот тури ишлаб чиқарилишининг ўзлаштирилиши ва шунинг натижасида қишлоқда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг чуқурлаштирилиши, қишлоқ хўжалиги ва унга кирадиган барча тармоқлар ва ишлаб чиқариш мажмуасини модернизация қилиш, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши 105,5 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилишини таъминлади;

д) ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси, транспорт ва коммуникация қурилишининг ривожлантирилиши, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кенгайтирилиши 58,8 мингта иш ўрни яратилишига олиб келди.

Мазкур йўналишда иш ўринлари яратилишида инвестицион лойиҳаларни амалга ошираётган вазирликлар, идора ва корхоналарга мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган жиҳозлар, хомашё ва материаллар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюм ва узеллар, технологик ҳужжат ва ускуналар учун 2016 йилнинг январига қадар божхона тўловларидан озод бўлиш бўйича имтиёзлар берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди ва шу орқали ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархини камайтириш, бўшаган маблағларнинг салмоқли қисмини меҳнатга ҳақ тўлаш фондига йўналтириш ҳамда йирик инфратузилма объектларининг қурилиши ва қайта қурилишида иш ўринлари яратишни таъминлашга имкон берди;

е) тўхтаб қолган корхоналар, жумладан, тижорат банклари балансига олинган банкрот корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш натижасида 10,7 мингта иш ўрни ташкил этилди.

3.3. Ўзбекистонда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш истиқболлари

Республикаимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “... янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади”⁵⁸. Иш ўрнига бўлган эҳтиёж меҳнат бозорида илк бор ишчи кучини таклиф

⁵⁸ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

қиладиган шахслар (академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчилари бўлмиш меҳнатга лаёқатли ёшдагилар), шунингдек, ишга жойлашишга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (иш жойи ва даромад манбаига эга бўлмаганлар, чет эллардан ишлаб қайтган меҳнат мигрантлари, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилганлар, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган, ишламаётган шахслар ва шу кабилар) ҳисобидан шакллантирилади.

Шуни инобатга олган ҳолда, 2013 йилда иш ўринига бўлган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозорининг амалдаги тамойилларини ўрганиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига таъсир этадиган мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари таҳлили асосида аниқланган. Бунда иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш натижасида бўшаб қоладиган ходимлар ҳисоб-китобига алоҳида эътибор қаратилган.

3.3.1-жадвал

2013 йилда иш ўрини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ДАСТУРИ⁵⁹

Т/р		Жами
	Иш ўринини ташкил этиш жами	972676
	Шу жумладан қуйидаги тадбирлар ҳисобидан:	
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	57878
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва ривожлантириш	367849
	шу жумладан:	
2.1.	саноатда	56447
2.2.	уй- жой куриш ва таъмирлашда	44310
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	117728
4.	Касаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш	218357
5.	Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, асаларичилик ва балиқчилик)	124071
6.	Ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	73088
7.	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	13705

⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

2013 йил “Иш ўрни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” давлат дастурининг прогноз параметрлари тармоқлар бўйича (бандлик йўналишлари) ва ҳудудлар бўйича ишга жойлашишга бўлган эҳтиёж, айниқса, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва кўп меҳнат талаб этадиган ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш натижасида бўшаб қолаётган ходимларни, шунингдек, саноатни, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, инфратузилмани ривожлантириш натижасида ишчи кучига бўладиган талаб ҳисоб-китобидан келиб чиқиб белгиланган.

Дастурда 2013 йилда 6 та асосий йўналиш бўйича мамлакатимизда жами 972,7 мингта иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилган (3.3.1-расм).

Дастурда 2013 йилда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича мамлакатимизда жами 972,7 мингта иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилган⁶⁰.

1. Саноат соҳасидаги асосий дастурларнинг амалга оширилишини давом эттириш, бу эса йирик янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 57,9 мингта, шу жумладан, хўжалик бошқаруви органлари тузилмасига кирувчи корхоналарда — 16,9 мингта, ҳудудий бўйсунувдаги корхоналарда — 41,0 мингта иш ўрни яратилишини таъминлайди.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг рағбатлантирилишини кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларнинг экспорт қилинишини кенгайтириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга доир қўшимча чоратадбирлар ушбу йўналишда иш ўринлари яратишнинг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади. Хусусан, 2012 йилнинг 1 апрелидан бошлаб валюта

⁶⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги 2012йил 5 декабрдаги СҚ-344–II-сонли Қарори.

кредитлари бўйича асосий қарзларни узиш учун жорий тўловларга йўналтириладиган, валюта киримларининг бир қисмини мажбурий тарзда ваколатли банкларга сотишдан озод қилиниши, янги ишлаб чиқаришларни қуриш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилаш, Тошкент вилоятида «Ангрен» махсус индустриал ҳудудининг ташкил этилиши, 2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта таъминлаш Дастурининг тасдиқланиши ва бошқа тадбирлар фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларда иш ўринларини янада кўпайтириш баробарида тармоқлараро алоқадор (транспорт, қурилиш ёки ижтимоий инфратузилма соҳалари) тизимларга боғлиқ иш ўринларини яратишга ҳам хизмат қилади.

Мазкур йўналишдаги иш ўринларининг салмоқли қисми Фарғона (8,6 минг), Тошкент (7,8 минг), Қашқадарё (5,9 минг), Наманган (5,1 минг) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (7,5 минг) яратилади.

2. Кичик бизнес корхоналари, хусусий ва оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида, ривожлантириш, уй меҳнати шакллариининг, шу жумладан, йирик корхоналар билан биргаликдаги шакллариининг имкониятларини кучайтириш.

Кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурларининг амалга оширилиши 485,6 мингта иш ўринлари ташкил қилиш имкониятини яратади. 2013 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни юқори даражада сақлаб қолиш режалаштирилмоқда. Чунончи, тижорат банклари томонидан шу мақсадлар учун 5,1 трлн. сўм ажратилиши назарда тутилмоқда. Бунда имтиёзли кредит ресурслари асосан узоқ қишлоқ туманларида ва меҳнат бозоридаги вазият оғир бўлган ҳудудларда иш ўринлари яратишни назарда тутувчи лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Йўналишлар	Хусусиятлари
1-йўналиш	Саноат соҳасидаги асосий дастурларнинг амалга оширилишини давом эттириш, йирик янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш.
2-йўналиш	Кичик бизнес корхоналари, хусусий ва оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида ривожлантириш, уй меҳнати шакллариининг, шу жумладан, йирик корхоналар билан биргаликдаги шакллариининг имкониятларини кучайтириш.
3-йўналиш	Уй меҳнати барча турлари, авваламбор, меҳнат шартномаларига асосланган корхоналар билан ҳамкорликдаги шакллариини ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш.
4-йўналиш	Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш.
5-йўналиш	Қишлоқ хўжалиги субъектларини ривожлантириш ва кенгайтириш, айниқса, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга, сабзаёт-полид маҳсулотларини сақлашга, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга ихтисослашган субъектларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.
6-йўналиш	Вақтинчалик фаолият кўрсатмаётган корхоналар, шу жумладан, тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш.

3.3.1-расм. Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари⁶¹

Иш ўринлари яратишнинг ушбу йўналишдаги асосий тармоғи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўлиб, хусусан, мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш улушининг мақсадли параметрларига (52,5 фоиз) эришиш доирасида кичик бизнес корхоналарида 267,1 мингта иш ўрни яратилиши

⁶¹ Муаллиф томонидан тузилган.

кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматнинг, аввало қишлоқ жойларида, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда шунинг асосида мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва уйғун ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ва аҳамиятини оширишга доир мақсадларга эришилишига бевосита боғлиқ. Якка тадбиркорликнинг ривожланиши 117,7 минг кишининг бандлигини таъминлайди.

3. Уй меҳнати барча турларининг, авваламбор, меҳнат шартномаларига асосланган корхоналар билан боғлиқ ҳолда ҳамда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши 218,4 минг нафар банд бўлмаган фуқарони, асосан кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Шу ўринда 2012 йилда қабул қилинган, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, иш ўринлари ташкил қилиш имкониятини яратган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Оилавий тадбиркорликда фаолиятни ташкил қилишнинг бошқа шаклида бўлмаган иш куни ва меҳнат тақсимооти имконияти мавжуд, бу эса ишлаб чиқаришга, бошқа ҳолатларда «банд бўлмаганлар» қаторида бўлган, ёш болали аёлларни, ўқувчилар ва аҳолининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўла олмайдиган бошқа тоифаларини қисман бўлса-да, оддий шароитларда жалб қилиш имконини беради. Ушбу ташкилий шакл меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларга меҳнат фаолияти ва тадбиркорликка киришиши учун қулай ва ижтимоий мақбул шароитни яратади.

Уй меҳнатига асосланган иш ўринларининг салмоқли қисми миллий хунармандчиликнинг азалий марказлари бўлган ҳудудларда — Наманган (28,9 минг), Фарғона (27,2 минг), Андижон (20,0 минг), Самарқанд (15,4 минг), Бухоро (18,0 минг) вилоятларида, шунингдек Шаҳрихон, Ғиждувон, Чуст, Шаҳрисабз, Ургут, Бойсун, Риштон, Хива ва бошқа туманларда ташкил этилади.

4. Қишлоқ хўжалиги субъектларини ривожлантириш ва кенгайтириш, айниқса, тайёр қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлашга, сабзаёт-полид маҳсулотларини сақлашга, иссиқхона хўжаликларини ташкил этишга ихтисослашган субъектларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишнинг давом эттирилиши 124,1 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлайди.

Мамлакат корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини чуқур қайта ишлаш бўйича белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва шу асосда ички ва ташқи бозорда рақобатбардош бўлган замонавий ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш қишлоқ хўжалигида қўшимча муқим иш ўринлари ташкил қилиш учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга хизмат қилади;

5. Ишлаб чиқариш, социал ва бозор инфратузилмасини, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларининг кенгайтирилиши 73,1 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

Иш ўринлари ташкил этишнинг ушбу йўналишида ягона миллий автомобиль транспорти тизимини ташкил этиш, автомобиль йўлларини, шу жумладан Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўл участкаларини электрлаштириш, бош лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс қуришни амалга ошириш, қишлоқ жойларида

тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойларни, муҳандислик иншоотларини, ижтимоий инфратузилма объектлари қуришни кенгайтириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги илмий муассасаларини замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлашга доир инвестицион лойиҳалар ва шу кабилар муҳимлиги сақланиб қолади;

6. Вақтинчалик фаолият кўрсатмаётган корхоналар, шу жумладан тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналар фаолиятини тиклаш 13,7 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлайди.

Худудлар бўйича яратиладиган иш ўринларининг салмоқли қисми Самарқанд (93,9 минг), Фарғона (92,4 минг), Қашқадарё (88,8 минг), Тошкент (86,8 минг), Андижон (79,6 минг), Наманган (75,1 минг) вилоятларида ва Тошкент шаҳрида (81,7 минг) ташкил этилади. Қайд этилган барча йўналишлар ва параметрлар туманлар, шаҳарлар бўйича аниқлаштирилган.

Ишсизлик даражаси бирмунча юқори бўлган, тоғли, чегара олди худудларида жойлашган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган 28 та туманга алоҳида эътибор қаратилади, ушбу худудларда 2013 йилда камида 126 мингта ёки 2012 йил дастуридагидан 5 фоиз кўп иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ишловчилар сони кўп бўлган ихчам кичик корхоналарни ривожлантиришга етарли эътибор берилмайдиган 83 та туманда, кўп меҳнат талаб этадиган енгил, озиқ-овқат, ёғочга ишлов бериш, электротехника тармоқлари ва қурилиш материаллари саноатининг бирорта ҳам йирик саноат корхонаси бўлмаган 28 туманда ташкил этиш ва жойлаштириш юзасидан чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш назарда тутилган.

Иш ўринлари ташкил қилишнинг асосий молиявий манбалари — иқтисодиётнинг алоҳида корхоналарини қўллаб-қувватлаш ва

инфратузилмани ривожлантиришга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ҳамда бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан, алоҳида муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Реконструкция қилиш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларидан, корхоналар маблағларидан, шу жумладан қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиққа оид имтиёзларни қўллаш натижасида қоладиган маблағлардан, аҳолининг хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш ва олиб боришга мўлжалланган маблағларидан, чет эл инвестициялари, тижорат банкларининг кредитларидан иборат. Мамлакатимизда ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган иш ўринлари сони кўпаймоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга ёрдам беради.

III-боб бўйича хулосалар

1. Фикримизча, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида Ўзбекистонда актив бандлик сиёсатга ўтиш ҳаётий заруриятдир. Актив бандлик сиёсати – бу давлат томонидан ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида олиб бориладиган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чоратадбирлар йиғиндисидир. Бу сиёсат иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида ишчиларни кутилаётган бўшатишлардан огоҳлантириш; иш излаётганларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; янги иш ўринларини яратишни молиялаштириш; иш ўринларини излаш ва танлаш; жамоат ишларини ташкил этиш тизими орқали янги иш ўринларини яратиш ва бошқаларни қамраб олади.

2. Таҳлиллар кўрсатишича, меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати республика ҳудудларида бир меъёردа кечмаган. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча

худудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) эса паст бўлган. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўпланган.

3. Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда иш билан таъминланишга мухтож аҳоли сонининг кўплиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги; хорижда ишлаб қайтганларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларнинг самараси паст эканлиги, бу борада мавжуд имкониятларнинг ишга солинмаганлиги; касаначилик иш жойларини кўпайтириш имкониятлари ишга солинмаётганлиги; янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ишлари (натижадорлигининг паст эканлиги); ташкил этилган иш жойларининг салмоқли қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги; иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги каби муаммолар ва камчиликлар мавжуд.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мазкур тадқиқот иши соҳасига оид назарий ва амалий адабиётларни ўрганиш асосида олиб борилган изланишлар қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди.

1. Аҳолининг иш билан бандлиги соҳаси таркибига меҳнат бозоридан ташқари аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлаши, уларнинг уй хўжаликлари таркибидаги фаолиятлари, кадрларни тайёрлаш ва ишга жойлаштириш мақсадли дастурлари ҳам киради. Яъни, иш билан бандлик соҳаси меҳнат бозори тушунчасидан кенгрокдир. Меҳнат бозорини тартибга солиш иш билан бандликнинг бир қисми ҳисобланади.

2. Ишсизликнинг умумиқтисодий характери меҳнат бозорининг ўзи, меҳнатга талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мутаносиблик ишсизликни эмас, иш билан бандликни шакллантиришидан ҳам келиб чиқади. Ишсизлик, бир томондан, гўё иш билан бандликнинг «тескариси» ҳисобланади, иккинчи томондан, иш билан бандликни шакллантирувчи омиллардан фарқ қилувчи омиллар таъсирини ҳис қилади. Шундай бўлсада, ишсизлик доимо иш билан бандлик билан биргаликда кўриб чиқилади: иш билан бандликнинг кўпайиши, қоидага кўра ишсизликни камайтиради, бу эса ишсизликни, ўз навбатида иш билан бандликни кўпайтиради. Таърифга кўра ишсизлик – бу ишлашни истайдиган меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан банд бўлмаган миқдоридир. Макроиқтисодий жиҳатдан ишсизлик – бу доимо жамият меҳнат салоҳиятидан, ишчи кучи мажмуидан ишлаб чиқариш омили сифатида тўла фойдаланмаганликдир.

3. Бандлик сиёсатини олиб боришнинг жаҳон тажрибаси тараққий этган мамлакатларда бу сиёсатининг қуйидаги уч моделини ажратиш имконини беради: Шимолий Америка, Европа ва Шарқий Осиё. Америка модели иқтисодий фаол аҳолининг сезиларли қисми учун юқори меҳнат унумдорлиги талаб қилинмайдиган ишчи ўринларини яратишни назарда

тутса, Европа модели меҳнат унумдорлигини ошириш орқали бандликни қисқартириш, натижада ишчилар даромадини оширишни кўзда тутди. Япон моделида эса давлат асосий эътиборни узлуксиз касбий тайёргарлик орқали ишчи кучининг малакасини оширишга қаратади. Шунингдек, япон моделига меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор шакллари миллий анъаналар билан уйғунлаштириш хусусияти ҳам хос. Шунинг учун иқтисодий ривожланишнинг япон моделини иерархик корпоративизм, деб ҳам аташади.

4. Таҳлиллар, жаҳон меҳнат бозорида ишсизлик даражасига таъсир этувчи қуйидаги омилларни ажратиш имконини беради:

а) давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг ишсизлик даражасига салбий таъсири кўрсатмоқда. Бу ҳол ушбу мамлакатлар иқтисодиётига, жумладан 2000 йилларнинг бошида истеъмол секторидаги юқори талаб кредит экспанцияси натижасида рағбатлантирилган АҚШ иқтисодиётида иқтисодий фаолликнинг пасайишига олиб келди. Глобал бозор шароитида нисбатан паст рақобатбардошли иқтисодиётга эга Ғарбий Европа мамлакатларида эса ишсизлик оммавий тус ола бошлади. Масалан, Испания ва Грецияда ишсизлик даражаси 2012 йилда йигирма фоиздан ошиб (мос равишда 25,0 ва 24,2 %), ишсизларнинг сезиларли қисмини паст малакали ишчилар ташкил этди;

б) иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш зарурияти. Инқироз шароитида жаҳон бозоридаги рақобатнинг кучайиши ишлаб чиқарувчиларни тезкор суръатларда ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этишнинг усуллари ва янги технологияларини жорий этишга мажбур этади. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг умумий рентабеллигини оширади ва штатларнинг қисқаришига олиб келади;

в) ишлаб чиқаришнинг ишчи кучи арзон мамлакатларга кўчирилиши. Ушбу тажриба амалиётда трансмиллий корпорациялар томонидан кенг қўлланилади.

д) иқтисодиётнинг тикланиш суръатларининг пастлиги сабабли меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларнинг ўз иш ўринларини топа олмасликлари. Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра 2012 йилда ишсиз ёшлар сони 73,8 млн. киши бўлиб, глобал иқтисодий пасайиш оқибатида 2014 йилга бориб уларнинг сафига яна ярим миллион киши қўшилиши башорат қилинмоқда. Ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси 2012 йилда 12,6 фоизга қадар ортди ва бу кўрсаткич 2017 йилга бориб 12,9 фоизга етиши кутилмоқда.

5. Фикримизча, иқтисодиётни модернизациялаш босқичида Ўзбекистонда актив бандлик сиёсатга ўтиш ҳаётий заруриятдир. Актив бандлик сиёсати – бу давлат томонидан ишсизлик даражасини пасайтириш мақсадида олиб бориладиган ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чоратadbирлар йиғиндисидир. Бу сиёсат иш ўринларини сақлаб қолиш мақсадида ишчиларни кутилаётган бўшатишлардан огоҳлантириш; иш излаётганларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш; янги иш ўринларини яратишни молиялаштириш; иш ўринларини излаш ва танлаш; жамоат ишларини ташкил этиш тизими орқали янги иш ўринларини яратиш ва бошқаларни қамраб олади.

6. Таҳлиллар кўрсатишича, меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати республика ҳудудларида бир меъёрда кечмаган. Жумладан, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида республика ўртача кўрсаткичидан юқори, қолган барча ҳудудларда (Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри) эса паст бўлган. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, меҳнат ресурслари жами аҳолининг 59 фоизини ташкил қилиб, унинг асосий қисми (қарийб 60 фоизи) Самарқанд, Фарғона, Андижон, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тўпланган.

7. Шу билан бирга аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд:

- иш билан таъминланишга мухтож аҳоли сонининг кўплиги, ишсизлик даражасининг юқорилиги;
- дастур ижроси назоратининг бўш ташкил этилганлиги, тадбиркорлар муаммоларининг ўз вақтида ҳал этилмаслиги;
- хорижда ишлаб қайтганларни иш билан таъминлаш борасидаги ишларнинг самараси паст эканлиги, бу борада мавжуд имкониятларнинг ишга солинмаганлиги;
- касаначилик иш жойларини кўпайтириш имкониятлари ишга солинмаётганлиги;
- янги объектларни ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш ишлари (натижадорлигининг паст эканлиги);
- ташкил этилган иш жойларининг салмоқли қисми қисқа муддатли ва мавсумий характерга эгалиги;
- иш билан банд аҳолининг салмоқли қисми иш ҳақи паст бўлган соҳаларда, норасмий секторда ва барқарор бўлмаган иш жойларида банд этилганлиги.

Тадқиқотлар натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги илмий тавсия ва амалий таклифлар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш;
- ёш кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш;
- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи ривожланган бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш;
- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;
- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш;
- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш.

2. Ёшларни иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан:

- аксарият ёшлар қандай ишни танлашни аниқ билмайдилар;
- таълим жараёнида олинган билим билан амалиёт ўртасида боғлиқлик заиф;
- ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги. Иш берувчилар кўпинча камида 3 йиллик иш стажга эга бўлганларни ишга олишни хоҳлайдилар.

3. Ёшларнинг тадбиркорлик билан шуғулланишларини рағбатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;
- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;
- ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;
- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

- ёш тадбиркорларни бозор конъюнктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;
- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш.

4. Умумий амалий таклифлар сифатида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур деб, ҳисоблаймиз.

Хақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш - иш билан ишсиз аҳолини ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан, йўллар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларида банд этиш.

Касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва қайта тайёрлаш - фуқароларни меҳнат бозорида ўз мутахассисликлари бўйича иш топа олмай қолишганда, уларни янги, ишга жойлашиш имконини берадиган касбларга ўқитиш, жумладан “Уста-шогирд усулида касбга ўргатиш.

Ишловчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш - асоссиз оммавий равишда ишдан бўшатилишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратиш, меҳнат қонунчилиги назорати.

Электрон ахборот алмашинуви имкониятларини кенгайтириш - бўш иш ўринлари ва иш қидирувчилар ҳақидаги янгиланиб турувчи электрон маълумотлар банки имкониятларидан кенг фойдаланиш.

Рақобатлаша олмайдиган аҳоли тоифаларига эътиборни кучайтириш - касаначиликни ривожлантириш, квота иш жойларини таъминлаш, кам таъминланган oilаларни қўллаб-қувватлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 1993.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Тошкент.: “Адолат”, 1996. 263 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири).
4. Гражданский кодекс Республики Узбекистан (с изменениями и дополнениями на 24 июля 2003 года) –Т.: Министерство юстиции Республики Узбекистан, 2003. -447 с.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Микрокредитлаш тўғрисида”ги Қонуни. 15.09.2006.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг “2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида”ги 2012йил 5 декабрдаги СҚ-344–II-сонли Қарори.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидага ишлаб чиқариш ва

хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308 сонли Қарори.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009.
2. Каримов И.А. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б
3. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.

II. ИЛМИЙ МОНОГРАФИЯЛАР

1. Абдурахманов Қ.Ж. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик. –Токшент: Меҳнат, 2004. -670 б.
2. Адамчук В.В., Ромашов О.В., Сорокина М.Е. Экономика и социология труда. Учебник. М.: ЮНИТИ, 1999.- 407 с.
3. Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: «Меҳнат», 1998. 96 б.
4. Актуальные проблемы Европы. Занятость и безработица в Западной Европе: Сборник научных трудов РАН ИНИОН; Центр научн-информ. исслед. Глобальных и региональных пробл.; Отд. Зап. Европы и Америки;

- Бўлов В.Г. (отв. ред.). – М., 2002. –204 с. – (Актуальные проблемы Европы; Европа. XXI век. /Редкол.: Пархалина Т.Г.(гл. ред.) и др. ISS № 235-5626; 2002,№ 3).
5. Агабекян Р.Л., Авагян Г.Л. Современные теории занятости: Учеб. пособие для вузов. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. –190 с.
6. Ахинов Г.А. Экономические основы социальной политики государства в условиях переходной экономики России. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС,1997.-208 с.
7. Андреев С.В. Кадровый потенциал и проблемы занятости в условиях перехода России к рыночным отношениям. –М.: Институт социологии РАН, 1997.
8. Аутсорсингу ищут замену.//Коммерсантъ, 30.01.2012.
9. Addison L., Teixeira P. The Economics of Employment Protection. IZA Discussion Paper October No 381, 2000
- 10.Бакалавр экономики. Хрестоматия. М.: Изд-во «Триада», 1999. 2 том. - 1056 с.
- 11.Бабич А.М., Егоров Е.Н., Жильцов Е.Н. Экономика социального страхования: Курс лекций. М.: ТЕИС, 1998. -189 с.
- 12.Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики: Учебн. пособие. –М.: Финансы и статистика, 2006. -480 с.: ил.
- 13.Вахабов А.В., Таджибаева Д.А., Хажибакиев Ш.Х. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. –Т.: Молия, 2011. – 708 б.
- 14.Вереникин А.О. Занятость и государство в переходной экономике. – М.: Экономический факультет, ТЕИС, 1998.-115 с.
- 15.Веблен Т. Теория праздного класса. – М.: «Прогресс», 1984
- 16.Гэлбрайт Д.. Экономическая теория и цели общества. –М.: «Наука», 1979.
- 17.Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. Қ.Х.Абдурахмонов тахрири остида. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2013.

- 18.Ижтимоий–иқтисодий жараёнларни бошқариш/Абулқосимов Х П. ва бошқалар. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт–матбаа ижодий уйи, 2007.
- 19.Кейнс Дж. Общая теории занятости, процента и денег. –М.: 1978.
- 20.Маршалл А. Принципы экономической науки. – М.: «Прогресс». – Т.3.1984.
- 21.Макроэкономика: теория и российская практика. –М.: КНОРУС. 2004.
- Нестандартная занятость в российской экономике. /Под ред. В.Е.Гимпельсона и Р.И.Капелюшникова. –М.: Издательский дом ГУ ВШЭ, 2006. -400 с.
- 22.Одегов Ю.Г., Руденко Г.Г., Лунева Н.К. Рынок труда (практическая макроэкономика труда). Учебник. –М.: Издательство «Альфа-Пресс», 2007. - 900 с.
- 23.Прокопов Ф.Т. Безработица и эффективность государственной политики на рынке труда в переходной экономике России. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 1999. -311 с.
- 24.Проблемы занятости и трудовой миграции в странах ЕВРАЗЭС: Материалы научно-практической конференции /Под обх. ред: Э.Х.Якубова. –Т.: Издательско-полиграфический творческий дом имени Гафура Гуляма, 2007. -240 с.
- 25.Плакся В.И. Безработица: теория и современная российская практика (социально-экономический аспект). –М.: РАГС, 2004. –384 с.
- 26.Рикардо Д. Сочинения – М., 1961.
- 27.Рональд Дж. Эренберг., Роберт С.Смит. Современная экономика труда. (теория и государственная политика) М.: Изд-во МГУ, 1996. – 800 с.
- 28.Рынок труда. Учебник. /Под ред. проф. В.С.Буланова и проф. Н.А.Волгина. –М.: Экзамен, 2000. -448 с.
- 29.Расулова Д.В. Ишчи кучи миграцияси ривожланишининг назарий асослари. –Т.: Молия, 2010. 276 б.

30. Статистика: Учебник // Под ред. проф. Елисеевой И.И. – М.: ООО "ВИТРЭМ", 2002.
31. Саидов К.С., Сейтмуратов А., Асланова Д.Х., Исҳоқова С.А. Социал иқтисодиёт. – Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2006. – 366 б.
32. Социальная статистика: Учебник. / Под ред. чл.-кор. РАН И.И. Елисеевой. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Финанс и статистика, 2002. – 480 с.: ил.
33. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, 2008.
34. Хайек Ф.А. Общество свободных / Пер. с англ. – М.: 1990.
35. Экономика труда: (социально-трудовые отношения) / Под ред. Н.А. Волгина, Ю.Г. Одегова. – М.: Издательство “ЭКЗАМЕН”, 2003. – 736 с.
36. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик / А. А. Ўлмасов, А.В. Ваҳобов. – Тошкент.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2006. – 480 б.
37. “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. – Т.: ТДИУ, 2007. 176 б.
38. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. Инсон тараққёити тўғрисида маъруза. Ўзбекистон 2007/2008. Бирлашган Миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури. – Тошкент.: “Mega basim”, 2008. – 198 б.
39. Национальный доклад о развитии человека 2006: Здоровье для всех. Основная цель нового тысячелетия для Узбекистан. – Т.: ПРООН, 2006. – 135 с.
40. Доклад о мировом развитии 2006 года. Справедливость и развитие. Пер. с англ. – М.: Изд-во Весь мир, 2006. – 312 с.
41. Доклад о мировом развитии 2007. Проблемы молодого поколения в контексте развития. Пер. с англ. – М.: Изд-во Весь мир, 2007. – 300 с.
42. OECD Employment Outlook. Paris, 1999,

43. Доклад о мировом развитии 2013. Занятость. Обзор. Вашингтон, 2013. С. 20. Global employment trends 2013: Recovering from a second jobs dip / International Labour Office. Geneva: ILO, 2013.
44. Global Employment Outlook: Bleak Labour Market Prospects for Youth: ILO, 2013.
45. Economic Report of the President. Washington. 2010.
46. World Economic outlook April 2012. Growth Resuming, Dangers Remain. Washington, 2012. P. 191; World Economic outlook
47. April 2013. Hopes, Realities, Risks. Washington, 2012. P. 149-151.

III. ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

1. Бондаренко Н.Н. Проблемы статистики рынка труда в Республики Беларусь. //Вопросы статистики, №6, 2012. с. 10-13.
2. Бокун Н.Ч. Об опыте проведения обследования рабочей силы. //Вопросы статистики, №6, 2012. с. 13-23.
3. Брагин В., Осаковский В. Оценка естественного уровня безработицы в России в 1994-2003 гг.: эмпирический анализ. //Вопросы экономики, №3, 2004. с. 95-104.
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Суверен қарзлар инқироzi”нинг жаҳон меҳнат бозорига таъсири. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида меҳнат бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва аҳоли бандлигини ошириш йўллари. I-қисм. Тошкент, 2013.
5. Вишневская Н. Безработица в странах ОЭСР – эволюция взглядов и политики. //Мировая экономика и международные экономические отношения, №8, 2012. с. 14-26.
6. Гонорская А. Теории и модели рынка труда. //Экономический вестник Узбекистана, №3, 2003. с. 34-38.

7. Гонорская А. Теории и модели рынка труда. //Экономический вестник Узбекистана, №4, 2003. с. 31-33.
8. Гимпельсон В., Капелюшников Р. Нестандартная занятость и российский рынок труда. //Вопросы экономики, №1, 2006.
9. Гимпельсон В. Дефицит квалификации и навыков на рынке труда (недостаток предложения, ограничения спроса или ложные сигналы работодателей?). //Вопросы экономики, №3, 2004. с. 76-94.
10. Горисов С. Масштабы и структура неформальной занятости. //Вопросы экономики, №3, 2004. с. 115-127.
11. Гоффе Н. Влияние кризиса на занятость и безработицу. //Мировая экономика и международные экономические отношения, №8, 2012. с. 27-38.
12. Глущенко Г. Инновационные методы привлечения денежных переводов мигрантов в официальный финансовый сектор. //Вопросы экономики, №7, 2006. с. 50-65.
13. Иванов Н. Мировой кризис и рынок труда. //Мировая экономика и международные отношения, №11, 2011.
14. Илышев А., Лаврентьева И. Эффективность социальной поддержки в сферах занятости и репродукции. //Экономист, №10, 2003. с. 41-49.
15. Исаулова С., Исаулов П. Социальный институт трудоустройства (опыт Германии). // Маркетинг, №3 (70), 2003. с. 97-107.
16. Иванов Н. Мировой кризис и рынок труда. //Мировая экономика и международные экономические отношения, №11, 2011. с. 3-17.
17. Капелюшников Р. Структура российской рабочей силы: особенности и динамика. //Вопросы экономики, №10, 2006.
18. Капелюшников Р. Занятость в домашних хозяйствах населения. //Вопросы экономики, №7, 2006. с. 99-120.
19. Капелюшников Р. Российская модель рынка труда: что впереди? //Вопросы экономики, №4, 2003. с. 83-

- 20.Костин Л. По поводу некоторых понятий теории рынка труда. //Человек и труд, №12, 1998. с. 33-36.
- 21.Мурджикнели М. Субсидия как один из механизмов социальной защиты населения. //Экономист, №10, 2003. с. 50-51.
- 22.Маслова И., Бараненкова Т. Неформальная занятость в России. //Вопросы экономики, №9, 2003. с. 89-
- 23.Монусова Г. Незанятость в России: вынужденная или добровольная? //Вопросы экономики, №9, 2003. с. 113-129.
- 24.Одегов Ю., Руденко Г. Внутренний рынок труда в системе социально-трудовых отношений. //Вопросы экономики, №3, 2004. с. 105-114.
- 25.Разумова Т., Рохин С. Экономический анализ причин вторичной занятости. //Вопросы экономики, №9, 2003. с. 130-
- 26.Саруханов Э. Рынок труда и рынок занятости: противоречия, определения и трактовки //– М.: Ж.Человек и труд. 1995. –№2.
- 27.Смирнов С. Оценка эффективности региональных программ содействия занятости населения. //Экономист, №6, 1997. с. 68-74.
- 28.Хажибакиев Ш.Х., Абдуллаев И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг халқаро меҳнат бозориға таъсири. //Иқтисод ва молия журналіга илова, №2(4), 2013. 138-142 б.
- 29.Четвернина Т., Ломоносова С. Социальная защищенность наемных работников в новом частном секторе: мифы и реальность. //Вопросы экономики, №9, 2003. с. 101-112.
- 30.Шорохов В., Морозова Н. «Человеческий потенциал» и «человеческий капитал»: соотношение понятий. //Человек и труд, №3, 2007. с. 80-82.

IV. СТАТИСТИК ТЎПЛАМЛАР

1. Население и условие жизни в странах содружества независимых государств. Межгосударственный статистический комитет содружества независимых государств. –М., 2002. с. 447.
2. Центральная Азия - 2010. Перспективы человеческого развития. ПРООН. –Т., 2000. с. 236.
3. Страны СНГ и страны мира. Статсборник. -М., 2004.
4. Рўнок труда в странах СНГ. Статсборник. -М., 2004.
5. Узбекистан в цифрах 2009. Статистический сборник. – Т., 2009. -179 с.
6. Узбекистан в цифрах 2010. Статистический сборник. – Т., 2009. -176 с.
7. Узбекистан 2011. Альманах. –Т.: ЦЭИ, 2011. -124 с.
8. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1990-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Стат. сб. –Т.: Узбекистан, 2011. -136 с.

V. АВТОРЕФЕРАТЛАР

1. Артикова Д.А. Проблемы достижения равновесия на рынке труда в условиях углубления рыночных реформ: Автореферат ... дисс. док. экон. наук. –Т., 2006. -44 с.
2. Расулова Д.В. Бозор муносабатлари шароитида ишчи кучи бозорининг амал қилиш механизми: иқт. фан. ном. ... дисс. автореферати. –Т., 2005. - 24 б.
3. Тоғаев Б.Э. Ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари: иқт. фан. ном. ... дисс. автореферати. –Т., 2004. -22 б.

4. Худойбердиев З.Р. Занятость трудоспособного населения сельской местности Узбекистана и влияние на нее малого и частного предпринимательства: Автореф.... дисс. канд. экон. наук. -Т., 1997. -23 с.

ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАР

1. www.vedomosti.ru/finance/news/1483073/prizrak_velikoj_depressii
2. <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-lt-table-2012-1-en>
3. <http://expert.ru/2013/01/23/rabotyi-vse-menshe/>
4. <http://dx.doi.org/10.1787/unemp-yth-table-2012-1-en>